O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 17 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 29(7432)

Da'vat

Ish bilan mashg'ul bo'lmagan odam hech qachon chinakam baxtga erisholmaydi, ishyoqmasning betida siz doimo norozilik va loqaydlikni ko'rasiz.

Genrix GEYNE

Ibrat

Kitob tumanida 900 o'quvchiga mo'ljallangan maishiy xizmat kasb-hunar kolleji foydalanishga topshirildi. 1 milliard 700 million so'mlik mablag' evaziga qurib bitkazilgan yangi o'quv maskanida yoshlar uchun barcha sharoitlar muhayyo etilgan.

КИЧИК ОЛИМПИАДАГА 7 КУН ҚОЛДИ

Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари мазкур спорт байрами машъаласининг тантанали ёқилиш маросими билан очилади. Бу сафар ҳам машъала мусобақалар бошланишидан 2 кун олдин ЎзФА «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш марказида соф қуёш нурлари билан ёқилиб, Паркент туманидан Фарғона шаҳригача бўлган йўлни босиб ўтади.

Кеча «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари Ташкилий қўмитаси ва Матбуот маркази аъзолари айнан шу тайёргарлик жараёни билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятининг Янгибозор ва Паркент туманларида бўлдилар. Ташкилий қўмита аъзолари машъала олиб ўтиладиган манзиллар, қайта таъмирланаётган кўчалар, хиёбонлар, «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш маркази ва ёшлар ҳамда масъул ходимларнинг бу муҳим тадбирда қатнашишини таъминлайдиган «Кумушкон» сиҳатгоҳидаги тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Тошкент вилояти ва туманлари ҳокимиятлари, халқ таълими бошқармаси ва бўлимлари ходимлари йиғилганларга амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

«Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш маркази жамоаси ҳам маросимга алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Институт директорининг таъкидлашича, юқори технологиялар асосида тайёрланган махсус қурилмада қуёш нуларидан катта аланга ҳосил қилиниб, ундаги олов машъалага кўчирилади.

— Бу тадбирнинг марказимизда бошланаётганлиги жамоамизга жуда катта масъулият юкламоқда, — дейди мазкур муассаса раҳбари Абдужаббор Абдураҳмонов. — Шу билан бирга, жамоамиз аъзолари қалблари бу шарафли вазифадан ғурурга тўлаяпти. Бу жараён унинг бевосита гувоҳи бўлган ёш спортчилар ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиздир.

Айтиш керакки, бу йирик спорт мусобақалари сабаб нафақат Паркент тумани, балки машъала олиб ўтиладиган барча туман-шаҳарлар ободонлаштирилмоқда.

* * *

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг финал босқичи яқинлашгани сайин унинг ташкилий масалаларини ҳал этиш қизғин паллага кириб бормоқда. Куни кеча Халқ таълими вазирлигида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибидаги асосий масала – мусобақаларнинг финал босқичида вилоятлардан иштирок этадиган қатнашчилар хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, Фарғонага олиб келиш ва яна ўз манзилларига етказиш масаласи кўриб чиқилди. Вазир ўринбосари У.Мусаев йиғилишни очар экан, мусобақа иштирокчиларининг Фарғонага бориб келишида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг бу борадаги масъулиятига алоҳида тўхталди. Ҳар бир спорт тури бўйича вилоятлардан тайинланган ҳакамлар ва мураббийлар шу спорт тури бўйича иштирок этаётганларга шахсан масъул эканлиги таъкидланди.

Халқ таълими вазирлиги ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи, ташкилий қўмита масъул котиби Т.Муҳиддинов тайёргарлик ишлари бўйича ахборотида мусобақа иштирокчиларини Фарғонага етказиш масаласида «Ўзбекистон темир йўллари» миллий компанияси билан келишилганлиги, иккита махсус поезд мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий қисмидан Нукус-Марғилон, Термиз-Марғилон йўналишида йўлга чиқишини айтиб ўтди. Нукусдан йўлга чиқадиган поезд ўз йўлида Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах вилоятларидан қатнашадиган жамоаларни, Термиздан келадиган махсус поезд Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоаларини олиб Фарғонага етказади.

Нурлан УСМОНОВ



Суратларда: тайёргарлик жараёни авжида. Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎҚИТУВЧИ СОҒЛОМ БЎЛСА... 2-бет

ДАРСЛАРДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ МУҲИТ ҲОСИЛ ҚИЛИШ 3-бет

МАКТАБДАГИ КИЧИК АКАДЕМИЯ 4-бет

МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР 4-бет

ҚЎҲНА ТЕРМИЗ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ 4-бет

КОМИЛ ИНСОН КИМ? 5-бет

БИРОВНИНГ ҲАҚИ... 5-бет

ЎЗБЕК КУРАШИ ЕТМАГАН ЖОЙ ЙЎҚ 7-бет

ВАТАН — ЁНИҚ ЮРАГИМ (ИСТИҚЛОЛГА ҚАСИДА) 8-бет

РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИЛАДИ

"Маърифат" газетасининг 2001 йил 13 октябрдаги 81-сонида "Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ҳақида"ги халқ таълими вазирлигининг буйруғи ҳамда шу мавзуга бағишланган қатор материаллар чоп этилган. Ушбу материалларда газетамизнинг доимий ўқувчиларига Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимининг мутахассислари томонидан, кўп йиллик изланишлар ва тажрибалар натижасида ўқувчилар таълим тайёргарлигини баҳолашнинг ўзига хос, оригинал кўпбаллик рейтинг моделининг ишлаб чиқилганлиги маълум қилиниб, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида батафсил ахборот берилган эди. Мазкур рейтинг моделининг асосий афзалликларини эслатиб ўтамиз:

— ДТСда белгиланган мажбурий таълим минимумлари (билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган минимал талаблар)нинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасини аниқ ўлчаш, ҳисобга олиш ва холисона баҳолашга йўналтирилганлиги;

— ўқувчилар билимидаги мавжуд камчиликлар (бўшлиқлар)ни аниқ ҳисобга олиш ҳамда шу асосда улар томонидан ўзлаштирилмаган билим, кўникма ва малака (БКМ)ларни ҳар бир элементи бўйича тўлдириш механизмининг мавжудлиги;

— ўқувчиларнинг ДТСда белгиланган мажбурий таълим минимумларидан юқори бўлган билимларни аниқлашга ва қайд этишга мўлжалланганлиги;

— ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш механизмининг мавжудлиги ва бошқа бир қатор ўзига хос хусусиятлари.

Хўш, биринчи навбатда ўқувчиларимизнинг манфаатларини кўзда тутаётган, ўқув жараёнини такомиллаштириш-га йўналтирилган рейтинг моделимиз бор экан, бунда у ўқитувчиларимизга уларнинг вазифалари доирасига кирмайдиган ортиқча ишларни юклаб қўймайдими? Келажакда рейтинг тизимига қай тартибда ўтилади? Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармасининг бошлиғи А.Калонтаровга ана шу каби саволлар билан мурожаат қилди.

—Жорий этилаётган рейтинг моделида ўқитувчиларни ортиқча қоғозбозликдан озод қилиш кўзда тутилганми? Олдинги моделларга нисбатан уларга юклатилган ишларнинг миқдори камаядими?

—Мазкур рейтинг моделини ишлаб чиқишда фаол қатнашган ижодий жамоа аъзолари ва амалиётчи ўқитувчиларимиз худди шу мақсадни ўзининг олдига қўйган ва асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва катта меҳнати орқали барча ўқитувчиларимизнинг иш миқдори камайтирилди ва ортиқча қоғозбозликка чек қўйилди. Аввалам-бор, ўқитувчи текширув ишлари тўпламларини мустақил ишлаб чиқиш мажбуриятларидан ва рейтинг балларини ҳисоблаш жадвалларини тузишдан озод қилинди.

(Давоми 3-бетда)

МАКТАБ ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШУВ

Маълумки, ўтган ҳафтада мамлакатимизга Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсон ташриф буюрган эди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 апрель куни Оқсаройда қабул қилди. Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мавжуд лойиҳаларни ижро этиш жараёни ва янгиларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсон Ўзбекистонга бу галги келишида рафиқаси Элейн Руд Вулфенсонни бирга олиб келган эди. Табиийки, Жаҳон банки президенти рафиқаси юртимизда кечаётган таълим тизими жараёни билан қизиқиб, пойтахтимиздаги 9-мактабга ташриф буюрди. У ушбу мактабда бўлган чоғида дарс ва машғулотларни кузатди. Очиқ дарсларда ўғил-қизларнинг эркин фикр юритишларидан ҳайратга тушди. Айниқса, Элейн Руд Вулфенсонда бу илм масканида йўлга қўйилган синфдан, мактабдан ташқари ишлар ҳам катта таассурот қолдирди.

Мактаб ҳаёти билан танишиш жараёнида Элейн Руд Вулфенсон хонимга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев, вазирнинг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов, Анвар Зокировлар ҳамроҳлик қилишди.

МУХБИРИМИЗ

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga ko'ra, U.A.Isroilov O'zbekiston Respublikasining Saudiya Arabistoni Podshohligidagi Favqulodda va Muxtor Elchisi etib tayinlandi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

Toshkentda Markaziy Osiyo va Kavkazorti mamlakatlari uchun «Eksport nazorati: ommaviy qirg'in qurollari tarqalishi va terrorizmga to'siq qo'yish» mavzuida xalqaro anjuman o'tkazildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Strategik va mintaqalararo tadqiqotlar instituti va AQSH Davlat Departamenti tomonidan uyushtirilgan ushbu anjumanda jahonning 16 mamlakatidan vakillar va kuzatuvchilar qatnashdilar.

Yaponiya taraqqiyot banki direktori boshchiligidagi xalqaro hamkorlik bo'yicha Yaponiya agentligi (JICA) delegatsiyasi yangi moliyaviy institutlar barpo etish uchun O'zbekistonga tashrif buyurdi.

Tashrif chog'ida xalqaro hamkorlik bo'yicha Yaponiya agentligi vakillari Moliya vazirligi, respublikaning Markaziy banki va bir qator tijorat banklari rahbarlari bilan muzokaralar o'tkazdilar.

Samarqand viloyati Kimyogarlar qo'rg'onidagi 61-maxsus maktab-internatda eshitish qobiliyatidan mahrum bolalar tarbiyalanadi. Maktab-internatni otaliqqa olgan «Zarafshonvodiysuv» boshqarmasi bolajonlarga hozirgi kungacha 30 million so'mdan ziyodroq moddiy yordam ko'rsatishdi.

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОНЛАР

Кейинги пайтларда ёшларнинг китоб ўқиш ўрнига биллиард, компьютер ўйинлари, дискотека каби "эрмак"ларга вақтни ҳаддан зиёд совуриши ёки кеч соат 2 гача телевизор қаршисида ўтирганча, сериалларга киноларни улашлари нафақат таълим соҳаси ходимларини, балки фарзанди камолини кўрмоқчи бўлган ҳар бир инсонни жиддий ўйлашга мажбур қилади.

Бироқ ёшларимиз орасида ўз ҳаётини китобдан айри ҳолда тасаввур қила олмайдиган, хоҳ миллий, хоҳ жаҳон адабиётидан бўлсин, ҳар қандай саволларга жавоб берадиган, ўзи ёш бўлса-да, ҳозирданоқ баракали ижодий ишлар қилишга улгурганлар ҳам анчагина. Куни кеча Тошкент қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасидаги **"Энг яхши китобхон"** кўрик-танловида ана шундай ёшларни учратдик.

Биринчи босқичда ўз ўқув муассасасида, кейинги босқичда вилоят миқёсида биринчилардан бўлган бу ўқувчилар энди мутлақ ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Танловнинг мазкур республика босқичи бир неча шартлар бўйича бўлиб ўтди: *саломлашиш ва ўз-ўзини таништириш; ўқувчиларнинг ўқиган асарлари асосидаги бир-бири билан ўтказган савол-жавоблари; "Байт-барак" ўйини, яъни бир иштирокчи айтган шеърий парчанинг охирги ҳарфига бошқа шеърий парча айтиш; эркин мавзу асосида ўз иқтидорини намоён этиш.*

(Давоми 2-бетда)

O'qituvchi yon daftariga

OSMON TO'LA YULDUZLAR

Chikago universiteti falakshunos olimlari o'z izlanishlari davomida «Chandra» orbital rentgen teleskopi yordamida yulduzlarning yangi turkumini kashf etdilar. Ularning fikricha, bu yulduzlar mavjud yulduzlar evolyutsiyasida hali noma'lum bo'lgan yangi turkumdir.

MUHANDISNING IXTIROSI

AQSHda yashovchi muhandis Jim Lemperer yangi mashina ixtiro qildi. To'g'rirog'i, mavjud avtomobillarning yanada takomillashgan turini yaratdi. 31 metr uzunlikka va 26 ta g'ildirakka ega bo'lgan bu mashinaning o'rtasida cho'milish havzasi o'rnatilgan va dam olish uchun krovatlar ham qo'yilgan.

TIRISHQOQ YAPONLAR

Xalqaro YUNESKO tashkiloti mutaxassislari tomonidan o'tkazilgan tadqiqotlarga ko'ra, o'z ona tilida yozishni o'rganish uchun eng ko'p muddat sarflaydigan xalq yaponlar ekan. Ular oliy ta'limdan so'ng ham imlo savodini to'xtatishmaydi. Ba'zan yaponiyaliklar bitta so'zni yozishlari uchun ham 160 ta iyeroglif belgini bilishlari zarur bo'larkan.

FAN SIFATIDA

Germaniyaning Magdeburg okrugida joylashgan kichikkina Shrobek nomli shaharchasi «shaxmatchilar shahri» sifatida e'tirof etiladi. Aholisining aksariyat qismi mohir shaxmatchilar hisoblanadigan shaharcha maktablarida shaxmat maxsus fan sifatida o'tilar ekan.

— Маълумки, ўқитувчиларимиз асосан болалар билан ишлаганликлари боис, ушбу касб эгаларида руҳий толиқиш, яъни асаб (неврологик) касалликлар кўпроқ учрайди.

Шунингдек, фирма истеъмолчиларга экинлар учун озуқа ва кимёвий дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик анжомлари, китоб ва кўлланмалар ҳам етказиб бермоқда.

ЮЗ БАҲОРНИ ҚАРШИЛАГАН МУАЛЛИМ

Халқимизда инсонларнинг босиб ўтган умр-йўлини йил фасларидан баҳор билан ўлчаш одати бор. Қариялар бир-биридан "неча баҳорни кўрдингиз?" дея сўрашади. Нега, энди ёз, куз, қиш эмасу, айнан баҳор? Балки баҳор яшариш, яшнаш фасли бўлгани учундир, чунки инсон ҳаётга келибдики, палак отишни хоҳлайди. Ҳаётининг қарийиб эллик йилини ўқитувчиликка бағишлаган Аҳмад муаллим бу йил юзинчи баҳорни қаршилади. Қишлоқда каттаю кичик уни ҳурмат билан "Аҳмад муаллим" деб аташади. Аҳмад муаллим бу номга осонликча эришмаган. Ҳа, у ҳамқишлоқларига ҳар томонлама "муаллим"лик қилган. Умрининг ярмини мактабда ўқитувчилик билан ўтказди ва халол меҳнат қилди. Фарзандларига ҳам, ўқувчиларига ҳам энг аввало, ҳалолликдан дарс берди. Бугунги кунда муаллимнинг босиб ўтган ҳаёт йўлига ҳамқишлоқлари ҳавас қилишади.

2002-Yil — Qariyalarni qadrlash yili

Устоз 1902 йилда Самарқанд вилоятининг тоғли Жом қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилди. У Каттақўрғондаги эски масжид-мадрасада саводини чиқарди, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр шеърлари билан Ҳафтиякни қўшиб ёд олди. Ёш муллаваччанинг овози, қироати ўткирлиги туфайли кейинчалик масжид имоми унга масжид мезанасига чиқиб азон айтишликни топширди. Шундай қилиб тез орада ёш муллавачча "Мулла Аҳмад" деган ном олди. Бир неча йиллар шўро мактабларида болаларга таълим берди ва ўз-ўзидан "мулла Аҳмад" — "Аҳмад муаллим"га айланди. Кейинчалик эса Каттақўрғондаги педагогика техникумини тугатди.

Аҳмад муаллимнинг бошқа ўқитувчилардан фарқли ўз дарс ўтиш услуби бўларди. У бутун умр бошланғич синфларда дарс берди. Кўпинча унга ҳар йили биринчи синфни ишониб топширишарди. Кечагина кўча чангитиб юрган болаларга ҳарфларни, саноқни, ахлоқодобни ўргатишнинг мураккаблигини фақатгина ўқитувчи тўлиқ англаши мумкин. Бинонинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ бўлганидек боланинг келажакда яхши инсон бўлиб етишиши ҳам ана шу бошланғич синфларда "мўлжал"ни тўғри олишга боғлиқдир. Айниқса, муаллимнинг жисмоний тарбия дарсларида унинг ўзи ҳам ёш болага айланиб кетар, болалар билан қўшилиб ўйнарди. Муаллимнинг ушбу "сир"ларини билишимнинг боиси камина ҳам Аҳмад муаллим қўлида бундан қарийиб эллик йил олдин илк саводини чиқарганлардан бириман.

Нормўмин ОЧИЛОВ,
журналист

Бугунги кунда таълим тизимида жуда катта ўзгаришлар, янгиликлар юз берди. Қўлга киритилаётган муваффақиятлар эса ёш авлоднинг илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги ва қизиқувчанлиги боисдир. Ҳозирги ёшлар доимо изланишда, янгиликка интилувчандир. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқларида ўқитувчиларининг ҳиссаси каттадир. А.Икромов туманидаги 297-мактабда ҳам ана шундай илмга чанқоқ ёшлар таълим олишади. Уларга Сайёра Салимова раҳбарлигидаги ўқитувчилар жамоаси турли фанлардан сабоқ бериб келишмоқда.

Суратда: Мактаб директори С.Салимова ўқитувчилар билан биргаликда ўқувчилар ишларини кўздан кечирмоқда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бир қаторда ҳар бир қатнашчи ўз ижод намуналаридан ҳам ўтирганларга ўқиб берди, ҳакамлар ҳайъати эса махсус тайёрланган ижодий ишлар, намуналар билан танишдилар.

Айтиш керакки, биринчи шарт бўйича Марҳамат қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи (Андижон вилояти) талабаси Насиба Юсупова ва Жиззах тиббиёт коллежи талабаси Шоҳида Мўминовалар жуда чиройли чиқишлар қилган бўлса, Тошкент шаҳар 20-касб-ҳунар мактаби ўқувчиси Хуршида Фармонова ижросидаги "Алла", Ёрмозор академик лицейи (Фарғона вилояти) ўқувчиси Наргиза Охунова айтган миллий қўшиқлар ўтирганларнинг олқишига сазовор бўлди.

—Бундай тадбирлар ёшлар онгига миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизни сингдириш, уларнинг маънавий ва мафкуравий тушунчаларини бойитиб бориш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга, — деди ЎМКҲТ Марказининг ушбу кўрик-танловни ўтказиш бўйича масъул ходими Комилжон Мавлонов. — *Танловнинг асосий мақсади — ўқувчиларда китобни севиш, уни кўз қорачиғидек сақлай билиш, мутолаа маданиятини шакллантириш, энг яхши китобхонларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш эди.*

Дарҳақиқат, энг кучли, иқтидорли, ҳозиржавоб китобхонлар аниқланди. Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин Гавҳар Туропова (Самарқанд вилояти Каттақўрғон педагогика билим юрти ўқувчиси)га, 2-ўрин Шоҳида Мўминова (Жиззах тиббиёт коллежи талабаси, Зулфия мукофоти совриндори) ва Наргиза Охунова (Фарғона вилояти Ёрмозор академик лицейи ўқувчиси)ларга, 3-ўрин Гулноз Сатимова (Нукус иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси) ва Хуршида Фармонова (Тошкент шаҳар 20-касб-ҳунар мактаби ўқувчиси)ларга насиб этди. Голиблар ва бошқа иштирокчилар фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар, янги нашр этилган китоб-лар билан тақдирландилар.

Феруза ЁҚУБОВА

АНДИЖОН МЎЪЖИЗАСИ

АУДТ (Андижон уруғларини дунёга танитамиз) уруғчилик-савдо ишлаб чиқариш фирмаси вилоятдаги таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилаётган жамоалардан бири. АУДТ фирмаси вилоятнинг Олтинкўл, Балиқчи, Булоқбоши, Улуғнор, Қўрғонтепа ва Асака туманларидаги коллеж ва лицейларнинг олди ва атроф майдонларини гўзал, замонавий ва сифатли қилиб кўкламзорлаштиришда, гуллар ва майсалар билан безашда фирма мутахассислари ўзига хос услубларни қўлламоқдаларки, беихтиёр бир-биридан гўзал гулларни, гулзору хиёбонларни, гўё табиатнинг бир бўлагига айланган зал ва ўқув хоналарини кўриб бу ишнинг ижодкорларига таҳсинлар айтасиз.

— Фирмамиз ташкил этилгандан бери таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келамиз, - дейди фирма раҳбари Абдуқодир Каримов. — Ҳамкорлигимиз ҳар икки томонга ҳам самара келтирмоқда. Бизнинг коллежлар ва бошқа ўқув масканларида олиб борган кўкламзорлаштириш ишларимиз кўпчиликнинг назарига тушиб, буюртмачиларимиз кўпаяётган бўлса, яратилаётган гўзаллик, ободонлаштириш ўқувчи қалбида эстетик тарбияни шакллантирмоқда. Орасталик, гўзаллик ва табиат билан ошуфталик, албатта, бола дунёқарашининг кенгайишига самарали таъсир кўрсатади.

Шунингдек, фирма истеъмолчиларга экинлар учун озуқа ва кимёвий дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик анжомлари, китоб ва кўлланмалар ҳам етказиб бермоқда.

Бир қатор хорижий давлатлардан мутахассислар ташриф буюриб, АУДТ фаолияти билан яқиндан танишмоқда. Жумладан Голландиянинг NMCP менежмент дастурлари бўйича корпорациясининг вакиллари Голландиянинг селекция ишлари билан шуғулланувчи қатор фирмалари билан ҳамкорлик ўрнатишни таклиф қилдилар. Ҳозирги кунда Германиянинг "Крестеноен", Голландиянинг "Роял Слайс", "Бео Зоден" фирмалари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Бундан ташқари фирма ходимлари мутахассислар, деҳқонлар, ҳаваскор уруғчилар ва кенг омма учун турли илмий-ўқув кўлланмаларни ҳам яратишмоқда.

Андижон шаҳридаги Хотира майдони фирма мутахассисларининг саъй-ҳаркатлари билан гўзал масканга айлантирилгач, майдонда йил давомида анвойи гуллар очилиб туради.

О.СИДДИҚОВ

БОЛАЛИК МАЗМУНЛИ КЕЧСИН

Болалар боғчамиздаги психологик кузатувимиз натижаларига кўра бола, айниқса, уч-беш ёшдалигида мияси тиниқ ишлар, ҳар бир сўзни илғаб олиш қобилияти кучли бўларкан. Шу давр ичида унга қанчалик кўп билим ва тарбия берилса, шунчалик тез миясига ўрнашиб қоларкан. Шунинг учун болани чарчатмасдан миясидаги бўшлиқни аста-секин оддий билимдан мураккаблик томон тўлдириб бориш мақсадга мувофиқ. Масалан, 3 ёшидан бошлаб ўнгача санаш, ҳарфларни ўргатиш каби енгил вазифалар бериб борилса, 4 ёшидан содда гапларни бўғинлаб ўқиш, оддий сўзларни изоҳлаш, ўнлик сонларни қўшиш-айириш амалларини бажариши осонроқ бўлади. 5 ёшидан она тилини чуқур ўргатиш, кичик ҳикояларни ўқитиб, оғзаки нутқини ривожлантириш, донолар бисотидан баҳраманд этиш, умуман теварак-атрофдаги ҳодисаларнинг мазмунини тушунтириш орқали мактабга тайёрлаш самаралидир.

Maktabgacha ta'lim

Бугун "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастури асосида 140 нафар ўғил-қизни тарбиялаш учун юқори малакага эга бўлган мутахассисларни жалб қилганмиз. Жумладан, тарбиячи Тўхтажон Ҳайитбоеванинг қатор очиқ машғулотлари, тайёрлаган кўргазмали қуроллари ва гуруҳ бурчаклари боғчада оммалаштирилди. Мусиқа раҳбари Раиса Жабборова тайёрлаган қўшиқ ва рақслар, байрам эртаклари нафақат масканимизда, балки Урганч шаҳрининг барча тарбия муассасаларида илиқ кутиб олинди ва амалиётга татбиқ этилди. Олий тоифали, кўп йиллик педагогик иш фаолиятига эга ходимимиз Замира Мамиеванинг "Йил тарбиячиси" кўрик-танлови вилоят босқичида 2-ўринни эгаллаши ҳам жамоамизга руҳ бағишлади. Шунингдек, Шарофат Сапаева, Қурвонжон Худойберганова каби изланувчан тарбиячиларимиз ҳам ҳар бир машғулотни янги услубда ўтишга ҳаракат қилишиб, шаҳар миқёсида ўз очиқ машғулотларини оммалаштирмоқдалар.

Ҳозирги кунда масканимиздаги кичкинтойларнинг 35 фоизи инглиз тили, 24 фоизи мусиқа, 15 фоизи саводга ўргатиш, 8 фоизи спорт тўгаракларида вақтларини қизиқарли ўтказишади. Шунингдек, болажонларнинг ота-оналари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиб, уларга педагогик маслаҳатлар берамиз, ҳар хил мушоиралар, баҳслар, тестлар ўтказамиз. Айниқса, "Очиқ эшиклар куни" тадбирида ота-оналар бажонудил қатнашмоқдалар. Шу сабабли бўлса керак, улар билан йўлга қўйилган яқин алоқамиз боғчада олиб борилаётган таълим-тарбия ишларида ўз самарасини беряпти.

Бундан ташқари катта-кичик гуруҳларда кичкинтойларнинг мустақил ўсишига имкон яратишга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир тарбиячи машғулот ўтар экан, боланинг билим доирасини ҳисобга олган ҳолда иш юритиб, уларни эркин фикрлашга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Боиси, кимдир ўйинчоқ ясашга қизиқса, кимдир қўлига қалам олиб, расм чизади.

Мактабгача тайёрлов гуруҳида тарбиячи Шарофат Сапаева болалар билан янги таянч дастури асосида "Маънавият даврасы", мушоира кечаларини изчил уюштиряпти. Уларга тинмай билим, тарбия берилгани ҳолда "Жажжи гўзал", "Навоийхонлик кечаси", "Нон ҳиди", "Устоз отангдай улуғ" мавзуларида тадбирлар ҳам ўтказилди.

Зеро, ҳар бир ота-она ўз фарзандини боғчага олиб келар-кан, унинг куни мазмунли, чиройли ўтишини орзу қилади. Шунинг учун муассасамизда ана шу орзуни рўёбга чиқаришни, олтинга тенг умрнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланишни фаолиятимизнинг бош мезони қилишга интилмоқдамиз.

Нодира АБДУЛЛАЕВА,
Урганч шаҳридаги 11-"Қуёшча" болалар боғчаси мудираси

ЎҚИТУВЧИ СОҒЛОМ БЎЛСА...

Абдулла Авлоний номидаги республика педагог ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти ўзининг юртимиз умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларига бераётган услубий кўмаги, дарсларнинг самарадорлигини ошириш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари билан соҳа ходимларига таниш даргоҳ. Албатта, ўқитувчи етук мутахассис бўлмоғи зарур. Зеро, бугун замон мураббийзиммасига янада кўпроқ масъулият юкини юкладики, унинг заҳматли меҳнати замирида фарзандларимизни камолга етказишдек оғир ва машаққатли вазифа ётади. Дарҳақиқат, бола тарбияси инсондан энг аввало чуқур билим шу билан бирга мустаҳкам ирода ва сабр-тоқат талаб этади. Чунки юксак билим, теран ақл-идрок эгасигина фарзандларга таълим-тарбия бермоғи мумкин. Бироқ таъкидлаш жоизки, ўша мураббийда метин-ирода, куч-ғайрат, тансиҳатлик бўлмоғи ҳам лозимки, зотан, буларсиз ҳар қандай устоз етук ҳисобланмайди. Айнан шу боис ҳам ҳозирги кунда А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошида институтга қарашли санаторий-профилакторий ҳам фаолият юритмоқда. Бунинг натижасида республикамизнинг турли чекка ҳудудларидан ўз касб-маҳоратини ошириш мақсадида келган таълим фидойилари ўз билимларини мустаҳкамлаш, янги педагогик технологиялар билан танишиш баробарида ўз соғликларини тиклаш, дам олиш имкониятига ҳам эга бўлмоқдалар.

Яқинда биз ушбу таълим даргоҳида бўлиб, устоз мураббийларнинг кейинги иш фаолиятларини янада жўшқин давом эттиришларида муҳим омил бўлаётган санаторий-профилакторийнинг иш фаолияти, амалга ошираётган ишлари хусусида бош врач, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Ҳалим Маҳмудов билан қисқача суҳбатда бўлдик.

— Ушбу шифо масканининг мазкур таълим даргоҳида очилишининг аҳамиятини шифокор сифатида қандай баҳолайсиз?

— Ўқитувчилик ва фидоийлик менинг назаримда эгизак тушунчалар. Чунки ўқитувчи фидойи бўлсагина меҳнати бўй-баст кўрсатади. Зеро, у ўз шогирдига билим бериш билан бирга қалб қўри, кўз нурини ҳам бағишлаши лозим. Шу боис ҳам мазкур даргоҳда ўқитувчининг касб маҳоратини ошириш баробарида унинг соғлиғини тиклашга ҳам эътибор қаратилганлиги аҳамиятга молик.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу таълим марказида дастлаб 1993 йилдаёқ санаторий-профилакторий ишга туширилган бўлиб, у 1997 йилда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси томонидан санитария-эпидемиология ва даволаш асбоб-ускуналарининг замон талабларига жавоб бермаслиги боис, ёпиб қўйилган эди. Бироқ, 2001 йилда ЎзХТХҚТМОМИ ректори Ж.Йўлдошев таклифи билан республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ушбу шифо маскани қайта таъмирланди. Шундан сўнг ХТВнинг 2001 йил 19 сентябрь ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг 2001 йил 17 сентябрдаги қарори билан халқ таълими ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, шунингдек, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошида ташкил этилган санаторий-профилакторийда соғломлаштириш учун етарли даражада шарт-шароит яратилганлигини ҳисобга олиб 2001 йил 1 октябрдан даволанувчиларни қабул қилишга рухсат берилди. Шифо маскани ўтган йилнинг 5 ноябридан бошлаб эса ўзининг илк мижозларини қабул қилишни бошлади. Ҳозирги кунгача ушбу даргоҳда 500 нафарга яқин ўқитувчиларимиз ўз соғлиқларини тиклашга эришдилар.

— Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади. Айтинг-чи, институт тингловчиларининг ўқишлари ва бир вақтнинг ўзида даволанишлари у ёки бу муассаса фаолиятига салбий таъсир ўтказмайдими?

— Дарҳақиқат, саволингиз ўринли. Биринчидан, шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, ушбу шифо маскани санаторий-профилакторий ҳисобланиб, унинг дам олиш сиҳатгоҳларидан фарқли жиҳати, аввало ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклаш, уларни меҳнат фаолиятдан ажратмаган ҳолда амалга оширилишда кўринади. Ўз касб маҳоратларини ошириш, фаолиятларига янгича назар ташлаш мақсадида республикамизнинг турли вилоят ва чекка туманларидан мазкур институтга келган оддий ва заҳматкаш ўқитувчи-мураббийларнинг эса бир ой давомида ўз билимларини кенгайтириш, билганларини эса мустаҳкамлаш билан бирга санаторий-профилакторийда даволанишлари, дам олишлари учун кун тартиби, режалар ҳам ўзаро икки муассасасининг ва даволанувчиларнинг шароитларига қараб ишлаб чиқилган. Унга кўра институт тингловчилари соат 8.00 дан 13 га қадар аудиторияларда билим олишса, соат 13 дан кечки 19 гача бўлган вақт мобайнида даволанишади. Бундан ташқари уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, пойтахтимизнинг турли диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштириш, таниқли кишилар, шоир ва ёзувчилар, давлат арбоблари билан учрашув кечалари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Хуллас, ҳар бир даволанувчининг вақти мазмунли ўтишига имкон қадар ушбу муассаса ходимлари қулайлик яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Санаторий-профилакторийда даволанувчиларга қандай тиббий хизматлар кўрсатилади?

— Ўқитувчиларимиз асосан болалар билан ишлаганликлари боис, ушбу касб эгаларида руҳий толиқиш, яъни асаб (неврологик) касалликлар кўпроқ учрайди. Шунингдек, камқонлик, ошқозон-ичак, жигар, қандли диабет, юрак касалликларига қарши профилакторийда етук мутахассислар томонидан даволаниш курслари олиб борилади. Муолажаларнинг замонавий жиҳозларга эга физиотерапия, жисмоний тарбия хонаси, массаж (уқалаш), фитобар, парофинотерапия, инглорефлексотерапия каби усуллар орқали олиб борилиши эса албатта ўз самарасини бермоқда. Биргина физиотерапия бўлимида муолажалар медицинанинг замонавий асбоб-ускуналари (УВЧ, фонофорез, соллюкс, ультрабинафша нурлари, электрофарез, ингаляция) билан жиҳозланганлиги беморларнинг тезда шифо топиб кетишларида муҳим ўрин тутади. Беморларни даволашда профилакторий шифокорлари 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ва Республика кўз касалликлари шифохонаси профессорлари кўмагига таянишади.

— Ушбу санаторий-профилакторийда даволаниш учун йўлланмалар ўқитувчиларга қаерда ва ким томонидан берилади?

— Шифо маскани 100 ўриндан иборат бўлиб, А.Авлоний номидаги республика ХТХҚТМОМИда бир ой давомида ўз тажрибасини ошириш учун келаётган ўқитувчилар ушбу имкониятга эга бўладилар. Йўлланмалар эса турли вилоятлардан келаётган ўқитувчиларнинг миқдорига қараб, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси томонидан тақсимланади. Улар беморларга вилоят халқ таълими бошқармасининг хатига асосан вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари қўмиталари томонидан берилади. Бунда йўлланма таннархининг 30 фоизини ўқитувчилар тўлашса-да, қолган 70 фоизи таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаларининг ижтимоий суғурта фондидан тўланади. Истисно тариқаси-да шуни ҳам айтиш лозимки, йўлланма ололмай қолган ўқитувчилар ўша белгиланган тўловни ушбу муассаса хазинасига нақд тўлаган тақдирда ҳам даволанишлари мумкин. Уларда санатория курорт картаси ва соғлиғи тўғрисидаги маълумотномалар бўлса кифоя. Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталишни хоҳлардимки, бизнинг шифо масканимизнинг муолажа услуби ва имкониятлари юртимизнинг энг сўлим "Турон", "Чинобод" каби санаторияларидан қолишмаган ҳолда ўқитувчиларимизга баъзи қулайликлар ҳам яратади. Бу энг аввало, йўлланма таннархининг арзонлигида, яъни даволанувчи юқорида номлари зикр этилган сиҳатгоҳларда 180 мингдан юқори маблағ эвазига 18 кун давомида ҳордиқ чиқарса, бизнинг санаториямизда атиги 34 минг сўм тўлов эвазига 21 кун давомида ўз соғлигини тиклаб қайтади.

— Санаторий-профилакторийнинг келгуси ишини янада ривожлантириш борасида ҳам режалар борми?

— Албатта. Шифо масканимизда даволаниб ҳордиқ чиқараётган мижозларга янги қулайликлар яратиш, касалликларнинг олдини олиш мақсадида шифобахш минерал сувини келтириш ниятидамиз. Бунинг учун ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент Давлат техника университетлари санаторий-профилакторийлари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини амалга оширмоқдамиз.

Халқимизда соғлом танда соғ ақл, деган пурмаъно ҳикмат бор. Дарҳақиқат, шундай. Зеро, руҳ ва жисм тетиклиги инсон камолотини белгилайди. Бу борада мазкур институтда олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Чунки машаққатли ва масъулиятли касб эгалари ҳисобланган ўқитувчиларнинг шуури тетик, жисмонан соғлом бўлиши ёш авлоднинг ҳам баркамол униб-ўсишига хизмат қилади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Маърифат" мухбири

ТАДБИРКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Мактаб раҳбарларининг таълим-тарбия жараёнини юқори савияда ташкил этишдан ташқари ўқув биноларини таъмирлаш, бунда ота-оналарни жалб этиш, ҳомийлар кўмагидан фойдаланиш, бюджетдан ташқари маблағ топиш масалаларида ҳам бош қотиришларига тўғри келади. Албатта, бизнинг Бухоро вилоятимизда ҳам "Мактаблар куни" тадбирининг ўтказилиши муносабати билан бу борадаги муаммолар ўз ечимини топаётир. Сезиларли ижобий натижалар ҳам кўзга ташланмоқда. Аммо вилоят ҳокими С.Ҳусенов "Мактаблар куни" тадбирларида таъкидлаганидек, мактаб раҳбарлари боқибеғамликка берилмаслиги, аксинча, тадбиркор бўлишини давр тақозо этмоқда. Ҳозирда кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари ҳисобидан келгусида ҳар бир таълим муассасасида ишлаб чиқариш, ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш ва шу йўл билан ички муаммоларни ўз кучи билан ҳал этишга бугунданоқ замин ҳозирлаш зарур. Бухоро туманидаги 5-мактабда бу борада бир қатор ижобий ишлар қилинмоқда.

—1994-1995 ўқув йилларида мактабларни бўр билан таъминлашда бироз танқисликлар сезилиб турарди, — деди мактабнинг собиқ директори Б.Ўроқов. — Бир куни хўжалик ишлари бўйича ўринбосарим Неъмат Наврўзов бўр қидириб роса чарчаган экан шекилли, "ўзи шу бўрни қаерда ишлаб чиқаради?" деб қолди. Мен эса ўзим билган Қарши шаҳридаги "Таълим-таъминот" корхонаси манзилини айтдим. Н.Наврўзовда Қаршига бўрга бориш ва биратўла уни ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиб қайтиш фикри туғилди.

Ҳа, гарчи туман ХТБ, мактаб маъмурияти бу таклифни қўллабқувватласа-да, жамоада бу ишнинг амалга ошишига ишонқирамай қарайдиганлар ҳам топилди. Аммо хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарининг қандай бўлмасин мактабда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида аҳди қатъий эди... Кўп ўтмай Н.Наврўзов шахсий ҳисобидан дастгоҳ сотиб олди. Мактабнинг фойдаланилмаётган кичик бир биносини ишлаб чиқариш цехига мослаб қайта жиҳозлади. Унга қўшимча водаэмулция тайёрлаш қурилмасини ҳам ўрнатди. Тез орада илм маскани ўз эҳтиёжи учун бўр, водаэмулция ишлаб чиқара бошлади. ХТБнинг моддий қўллаб-қувватлаши натижасида тумандаги бошқа таълим муассасалари ҳам цех маҳсулотларини арзон нархда ола бошлашди. Айни пайтда цехнинг фаолият тури кенгайиб борди. Шу ҳисобдан, оҳак, пишиқ таракот ғиштлари ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Очиғини айтганда, ҳозирги кунга келиб газ босимининг пастлиги, хумдонларнинг мактаб ҳовлисида жойлашгани боис ғишт ишлаб чиқариш тўхтатилган. Аммо корхона ўтган ўқув йилидан бошлаб вилоятимиздаги барча мактабларни сифатли бўр билан таъминлаб келмоқда. Ҳатто, илм маскани яқин 1-2 йилда қўшни Навоий ва Хоразм вилоятлари билан ҳам ҳамкорлик

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

шартномаларини тузиш чораларини кўраётир. Албатта тадбиркорлик йўлга қўйилган мазкур даргоҳда яхшигина даромад ҳам олинмоқда.

— Биргина ўтган ўқув йилида цех маблағи ҳисобидан 350 минг сўм таъмирлаш ишларига, 200 минг кўргазмали қуроллар сотиб олиш, синф хоналари ва залларни жиҳозлашга сарфланди, — дейди мактаб директори Салтанат Азимова. — Бундан ташқари, фан олимпиадаларининг туман, вилоят босқичларида совринли ўринларни эгаллаган 7 нафар ўқувчимиз ва уларнинг устозларини рағбатлантиришга 35 минг, кам таъминланган оилалар фарзандларига дарслик олиб беришга 56 минг, 2 нафар иқтидорли, аълочи ўқувчиларимизга мукофот учун 10 минг сўм маблағ ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан ажратилди. Бир гектарлик буғдой майдонидан олинган соф даромадимиздан 1-4-синф ўқувчиларига бепул иссиқ овқат беришни йўлга қўйдик. Ҳисоб рақамимиздаги мавжуд маблағ ички муаммоларимизни ўз кучимиз билан ҳал этишга имкон беради.

Дарҳақиқат, бу каби узоқни кўзлаб иш тутиш, айниқса, бозор иқтисоди шароитида таълим-тарбия самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Азим ҚОДИРОВ

Мажбурий стандартли текширув ишларидаги ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларига берилаётган баллар аниқ ва равшанлиги ўқитувчилар учун маъқул келмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, дарсда ривожлантирувчи муҳит ҳосил қилиш учун ўқувчиларни ўқитмайлик, балки уларни ўқишга ўргатайлик,

РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИЛАДИ

Dolzarb mavzu

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олдинги тизимлар, моделларда оралиқ назоратни ўтказиш учун ҳар бир ўқитувчининг ўзи текширув ишлар (нечта ОН, нечта ЖН, қайси шаклда, қайси дарсда ва ҳ.к.) ишланмасини ишлаб чиқар эди. Ҳозир комплекс равишда ва марказлаштирилган ҳолда ҳар бир фан ўқитувчисига чораклар ҳамда синфлар кесимида назорат ишларини ўтказиш учун материаллар берилмоқда.

Натижада ўқитувчи ва мактаб маъмурияти ортиқча қўл меҳнатидан озод этилди ва уларнинг тежалган вақти методик ишлар, ўқувчилар учун сифатли қўшимча ва ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш, рейтинг материалларини бойитишга сарфланади. Асосийси, иқтидорли ва ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар билан якка тартибда ишлашга имконият яратилади.

Жорий ўқув йилининг давомида биз ҳар чорак бошидаёқ тажриба-синов олиб бораётган ўқитувчиларга тегишли рейтинг материалларини (2,3,4,5-синфлар учун) етказиб беришга ҳаракат килдик. ДТС мониторинги бошқармаси умумий раҳбарлиги остида, жойлардаги тажриба-синов майдончаларида фаолият кўрсатаётган амалиётчи педагоглар саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилган рейтинг материаллари тўпламларида ҳар бир чоракнинг мавзуий режалари, рейтинг балларини ҳисоблаш жадваллари, назорат ишларининг матнлари, уларни ўтказиш тартиби бўйича аниқ кўрсатмалар, натижаларига қараб баллар билан баҳолаш меҳонлари ва бошқа дидактик материаллар тақдим этилган.

Умуман, ўқув режадаги барча фанлар бўйича ишлаб чиқилган мажбурий стандартли текширув ишлари (МСТИ) комплектлари шундай тузилганки, бунда тегишли мавзуий блокда (чорак ёки ўқув йили давомида) ДТС талабларига мувофиқ, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган таълим минимумлари (билим, кўникма ва малакалар)нинг барча элементлари қамраб олинганлиги билан аҳамиятлидир.

Энди улар қандай баҳоланади? Бу масала ҳам унчалик мураккаб эмас. Ҳар бир мажбурий стандартли текширув ишини (МСТИ) баҳолаш учун текширув ишининг стандарт бали (ТИСБ) белгиланади. Стандарт бали мазкур ишда текширишга ҳавола этилган билим, кўникма ва малака элементларининг сони ва сифатига тўғридан-тўғри мос келтирилган ҳолда қўйилади. Масалан, математикадан янги, ўзлаштириши мажбурий бўлган 10 элементга 11 балл, баъзида эса 8 элементга 12 балл қўйилади. Баҳолашга белгиланган баллар ҳар биттаси нима учун қўйилмоқда, қаердан олинган барча-барчаси қадамма-қадам ўлчанган. Албатта, бу ерда баллар текширишга олинган элементларнинг сонига, берилган топшириқларнинг мураккаблик (содда, ўрта, мураккаб) даражасига, ўқитилаётган фаннинг хусусиятларига қараб қўйилади. Муҳими, тўпламда назорат ишининг матни ҳам келтирилади.

— Янги кўпбаллик рейтинг тизимини синовдан ўтказиш учун барча вилоятларда тажриба-синов майдончалари ташкил этилган. Шу хусусда батафсилроқ маълумот бера олмайсизми?

— Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарларига жорий ўқув йили давомида мазкур рейтинг тизимини синовдан ўтказиш учун 2 тадан ҳудудий тажриба-синов майдончаларини (таянч мактаблари) белгилаш топширилган эди. Айрим вилоятларда бу 2 та тажриба-синов майдончалари билан чегараланмасдан ҳар бир туманда 2 тадан тажриба-синов майдончалари ташкил этишган. Бунга мисол тариқасида Сирдарё вилоятини кўрсатиш мумкин.

Республика тажриба-синов майдончалари эса, асосан, 1998 йилда Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги мактабларнинг негизида ташкил этилган эди. Уларда мажбурий стандартли текширув ишлари тўпламларини, рейтинг тизимини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича услубий-йўриқнома материаллари комплектларини яратиш, уларни апробациядан ўтказиш ва такомиллаштириш сингари вазифалар юзасидан қатъий ишлар олиб борилаяпти.

Жорий ўқув йилининг бошидан бошлаб мазкур жараёнда худудий тажриба-синов майдончаларида ишлаётган ҳамкасбларимиз ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозирги кунда ижодкорлик ва ташаббус билан ишлаётган, муайян ижобий натижаларга эришаётган ҳудудий тажриба-синов майдончаларини кўрсатадиган бўлсак, биринчи навбатда Фарғона, Бухоро, Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги тажриба-синов майдончаларини айтишимиз мумкин.

— Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг ТТД рейтингини оммавий равишда жорий этишнинг 4 та босқичи ҳақида ҳам бироз тўхталсангиз.

— Ўқувчилар билимини баҳолашнинг беш баллик тизими ўрнига янги - кўпбаллик тизимга ўтиш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан кўзланган асосий мақсад — ўқувчилар билимини баҳолаш тизимида изчиллик ва узлуксизликни таъминлаш. Фикримизча, бу рейтинг самарадорлиги билан боғлиқ бирламчи омилдир.

Босқичма-босқич ўтишни талаб этадиган омиллардан яна бири — ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражасини назорат қилиш ва баҳолаш тизимининг ягоналигини таъминлаш зарурлиги билан боғлиқдир. Рейтингни босқичма-босқич амалга киритишнинг зарурияти, уни тажриба-синовдан ўтказиш ва таълим муассасаларини тегишли услубий-йўриқнома материаллари билан таъминлашни яхшилаш ҳамда кўп сонли ўқитувчилар ва бошқа халқ таълими мутахассисларини махсус қайта тайёрлашдан ўтказиш ишларининг кенг кўламлилигидан ҳам келиб чиқади.

Бундан ташқари, рейтингни таъминловчи услубий-йўриқнома материалларини (МСТИ тўпламлари) ишлаб чиқиш ва жорий этиш босқичларини янги алифбо асосида нашр этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва услубий материалларни ўқув жараёнига татбиқ этиш босқичлари билан мувофиқлаштириш зарур бўлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари ва юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, биз умумий ўрта таълим мактабларига ўқувчилар таълим тайёргарлиги рейтингини оммавий тарзда жорий этиш учун 4 та асосий босқични белгилаб кўйган эдик. Бунда I босқич 2001/2002 ўқув йилидан бошланган бўлиб, у дастлабки тайёргарлик ишларини амалга ошириш босқичи ҳисобланади. Бу ишлар, асосан, ташкил этилган тажриба-синов майдончаларида амалга оширилиши керак. II босқич (2002-2003 ўқув йили)да бошланғич (2-4-синф) ва 5-синфларнинг ўқув жараёнига оммавий ҳолда рейтинг тизими жорий этилади. III босқич (2003/2004 ўқув йили)да 6-7-синфлар, IV босқич (2004/2005 ўқув йили)дан бошлаб барча ҳудудлардаги мактабларнинг қолган 8-9-синфлари ўқув жараёнига оммавий равишда рейтинг тизими жорий этилади.

— Айни пайтда таълим тайёргарлиги рейтинги моделини татбиқ этиш ва синовдан ўтказиш ишлари давом эттирилаяпти. Ушбу рейтинг моделини экспериментатор ўқитувчилар яхши кутиб олишаяптими?

— Бу саволга жавобни ҳудудий тажриба-синов майдончаларидан юборилган маълумотнома ва ҳисоботлардан топиш мумкин. Уларда, ушбу рейтинг модели бўйича синовлар олиб борилаётган амалиётчи ўқитувчилар, илмий бўлим мудирларининг фикрлари келтирилган. Масалан, Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги 3-мактабда синовларни олиб бораётган устозлар қуйидаги фикрлар ва хулосаларни билдирганлар:

- жорий этилаётган рейтинг тизими таълим жараёнига, асосий педагогик мақсад ва вазифаларига тўлароқ жавоб беради;
- тақдим этилаётган рейтинг материаллари ўқитувчиларга маъқул тушди ва уларга бир қанча қулайликлар яратди;
- ўқувчилар билимини текширишда ҳар бир элементни алоҳида баллар билан баҳолаш ўқитувчиларни мамнун этди;
- мажбурий стандартли текширув ишларидаги ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларига берилаётган баллар аниқ ва равшанлиги ўқитувчилар учун маъқул келмоқда;
- тажриба-синовда бўлаётган бу рейтинг тизими ижобий натижа бермоқда;
- тўлдирувчи баллар ўқувчиларга катта имкониятлар бермоқда;
- янги рейтинг тизимида ўқувчиларни баҳолаш бир мунча осонроқ ва ҳоказо.

Шунга ўхшаш хулоса ва фикрларни Самарқанд, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва бошқа вилоятлардан олинган маълумотларда ҳам кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, ижодкор хамкасбларимиз рейтинг тизимида аниқланган камчиликлар, ечимини топмаган муаммолар тўғрисида, уларни бартараф этиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Уларнинг фикрлари албатта бизлар учун қадрли.

— Жорий ўқув йилида рейтинг материалларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда салмоқли ҳисса қўшган тажриба-синов майдончалари педагогик жамоаларини ҳам тилга олиб ўтсангиз.

— Фурсатдан фойдаланиб, вазирлик раҳбарияти, бошқармамиз ходимлари номидан кўплаб мактаб педагогик жамоалари хусусан, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 8-мактаб, Сирдарё туманидаги 1-мактаб, Ш.Рашидов туманидаги 22-мактаб, Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 9-мактаб, Бухоро шаҳридаги 8-мактаб, Бухоро вилояти Когон туманидаги 1-мактаб, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 3-мактаб ўқитувчиларига, уларга ташкилий ва услубий раҳбарлик қилаётган халқ таълими тизимидаги фидоий ҳамкасбларимизга самимий миннатдорчилигимизни билдирмоқчиман. Қисқаси, бу устозлар ўқув жараёнида рейтинг тизимини қўллаш билан бирга ўқувчиларда билим олиш эҳтиёжини ҳам ривожлантириб бораяптилар.

Қ.МАТҚУРБОНОВ
суҳбатлашди.

Таҳририятдан: Рейтинг тизими ўғил-қизларни мустақил фикрлашга, ишлашга, янгилик яратишга ундайди. Шундай бўлса-да, уни татбиқ этиш жараёнида бир қатор саволлар туғилиши, назорат ишларини ўтказишда баҳсли, муаммоли вазиятлар учраши ҳам табиий. Агар, сиз азиз муштарийларда, рейтинг тажриба-синовдан ўтаётган мактаблар ўқитувчиларида таклиф ва мулоҳазалар билан бир қаторда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси (ТТД) рейтингини янада бойитишга оид фикрлар бўлса, марҳамат ёзинглар! Биз эса ўзига хос фикрлар битилган хатларингизни вазирликнинг Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармасига етказиб беришга, лозим топилганда, улар билан келишиб, саволларингизга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Фақат ёзганларингизни яна бир карра фикр элагидан ўтказиб олинг! Демоқчимизки, асосли фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар рейтинг тизими муаллифлари назаридан четда қолмайди.

АРАБ ТИЛИ КУНИ

Tadbir

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида араб тили ва адабиёти бўйича таҳсил олаётган талабалар уз билим ва малакаларини йиғилганлар олдида намойиш этганларида, ҳатто дипломатлар ҳам ҳайрон қолишди. "Араб тили куни" деб номланган мусобақакурикда араб тилида нотиқлик санъати, саҳна ижрочиси маҳорати, шарқона ҳазил-мутойиба намойиш этилди. Талабаларнинг чиқишлари бу ерга тўпланганларнинг самимий олқишлари, гулдурос қарсаклари, аксарияти дипломатлардан иборат ҳакамлар ҳайъатининг уз дафтарчаларига қўйган у ёки бу баҳолари, баъзи бир мулоҳазалари билан қайд қилинар эди. Бир-биридан гўзал, бир-биридан мантиқли, бир-биридан юқори савияда намойиш этилган араб тилидаги қуриниш ва чиқишларни баҳолаб, ҳақиқий ғолибларни аниқлаш осон эмас эди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари — Узбекистондаги Миср элчихонаси матбуот бўйича маслаҳатчиси Раъфат Ас-Сабъа, шу элчихонанинг мада-ний ишлар бўйича маслаҳатчиси Ад-Дирс Халаф ҳамда институтнинг муътабар устозлари бундай оғир ишнинг уддасидан чиқишди. Энг қизиги шундаки, қуйи курс талабалари юқори курсдагилардан устун келишди.

Мисрнинг Узбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жамил Файид дунёда энг нуфузли илмий тадқиқот марказларидан бири — "Мажмаъ ал-Ҳолидийн" (Абадиятга дахлдор олимлар академияси)га араб тили ва адабиёти борасида катта илмий изланишлар олиб бориб, юксак натижаларга эришган узбек олими, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ректори, профессор Неъматулло Иброҳимовнинг МДҲ зиёлилари орасида биринчилардан бўлиб ушбу академия фахрий аъзолигига қабул қилинганини зўр мамнуният билан маълум қилди.

Тадбирда, шунингек, бошқа араб давлатларининг Узбекистондаги вакиллари, жумладан, Саудия Арабистони подшоҳлигининг Узбекистондаги муваққат ишлари вакили Зоҳир ал-Анзи Абу Файсал ва бошқалар сўз олиб, бу ажойиб тадбир ташкилотчилари ва иштирокчиларига узларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор қилиб, талабаларга эса ўқишлари ва келажакдаги фаолиятларида улкан зафарлар тилашди.

Мусобақа-танлов сўнгида институтнинг араб филологияси кафедраси мудири, профессор Раъно Ҳужаева ғолибларни мукофот ва совринлар билан табриклаб, бу тадбир анъанавий бўлиб қолишига умид билдирди.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ

ҲУНАРМАНДЛАР МАКТАБДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қадимда бизнинг тадбиркор ва укувли момоларимиз чеварлик билан, боболаримиз эса ҳунармандчилик касбининг кўплаб турлари билан машғул бўлишган. Улар томонидан тайёрланган зардўзи кийим-кечаклар ва ҳунармандчилик буюмларининг донги Мағрибу Машриққа машҳур бўлган. Бугунги кунда ана шу бой маънавий мерос ва қадриятларимиз юртимиз мустақиллиги шарофати ила янада сайқал топиб бормоқда. Самарқанд туманидаги 32-умумтаълим мактабида ўқувчилар дарсдан бўш вақтларда зардўзлик, каш-

тачилик, дурадгорлик сингари ҳунармандчилик йўналишларидан сабоқ оладилар.

— Мактабимиз ўқувчиларининг бўш вақтларини беҳуда сарфламасдан ушбу ҳунарларни ўрганиши уларнинг ота-оналарига ҳам маъқул бўлмоқда, — дейди мактаб директори Голиба Абдуллаева.

Суратларда: Ёш зардўзлар машғулоти. Ўқитувчилар Шоҳиста Зиёева ва Гулчеҳра Умаровалар дарс пайтида.

Т.НОРҚУЛОВ олган суратлар.
ЎзА.

Bir soatlik dars

ДАРСДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ МУҲИТ ҲОСИЛ ҚИЛИШ

Маълумки, ўқувчи фақат эшитувчи эмас, балки дарс моҳиятини англаб етувчи, мустақил фикрловчи асосий куч. Бу эса ўқитувчидан ўзи танлаган соҳанинг етук билимдони бўлиши, ҳар бир янги мавзуни ўтишда ўзига хос педагогик технологиялар қўллаш кабиларни талаб этади. Технология изланишга, қўшимча адабиётларни ҳаёт тажрибалари, қуйи синфда шаклланган тушунчаларга таяниб мутоала қилишга чорлайди.

Мен 9-синфда "Одам ва унинг саломатлиги" фанидан бир соатлик ўтган дарсимни сизларга баён этмоқчиман.

Мавзу: Қон айланиш системаси ва унинг аҳамияти. Юрак.

Мақсад: Ўқувчиларда ривожлантирувчи муҳит ҳосил қилиш асосида мавзуга таллуқли тарбиявий таълимий мустақил фикрларини ўстириш.

Услуб: Баҳс-мунозара, савол-жавоблар асосида.

Жиҳоз: Юракнинг муляжи, тузилиши, чизилган таблицалар, юрак кардиограммаси туширилган лента, тест карточкалари.

Дарснинг ташкилий қисми тугагач, олдинги дарсда муҳокама этилган мавзуни савол-жавоб асосида мустаҳкамлайман. Бу жараёнда мавзуга доир бирор бир фикр ўқувчилар томонидан айтилмай қолса ёки қийналишса, қўшимча савол бераман, жавоб бериша олмаса, ўзим тушунтираман.

Ўқувчилар билан ўтган мавзуни муҳокама қилгунга қадар ёзув тахтасига бугун муҳокама этиладиган муаммонинг мавзуси ва режалари ҳамда уйга бериладиган топшириқлар ёзиб қўйилади.

Мен навбатдаги янги мавзу муҳокамасини ҳам ўқувчилар томонидан ўтказиладиган савол-жавоблар асосида давом эттираман. Навбатдаги мавзу қайси эканлигини фаол ўқувчилардан эмас, дарсга диққат қилмай ўтирган ўқувчилардан бирини турғизиб сўрайман. Шунда дарсга диққат қилмай ўтирган ўқувчилар ҳам фикрини дарсга қаратади. Фаол ўқувчи ўрнидан туриб бугунги "Қон айланиш системаси ва унда юракнинг аҳамияти" мавзуси эканлигини айтади.

Мен ўқувчилар диққатини ёзув тахтасида ёзилган "Қон ва юрак" тушунчасига қаратиб, уларнинг қон ҳақидаги умумий фикрини эшитаман. Ўқувчилар қоннинг қизил рангли суюқлик эканлигини, одам танасида 5 литргача қон бўлиши, қон нафақат одамда балки, ҳайвонларда ҳам бўлиши, юрак одам организмида қанчалик муҳим ҳисобланса, техникада ҳам "мотор" шунчалик аҳамият касб этишини айтишади. Одамда ҳам юрак гўёки "мотор" вазифасини ўтайди.

Мавзунинг маънавий томонини очиш мақсадида ўқувчилардан ноҳақ қон тўкилишлар ҳақида сўраганимда, улар менга 1999 йил 16 февралдаги Республикамизда ва 2002 йил 11 сентябрда эса АҚШ даги хунрезликлар (беҳуда қон тўкилишлар), Афғонистондаги воқеалар ҳақида маълумот беришди. Бу қон тўкишнинг асосий сабабчиси ким, деб савол бердим? Ўқувчилар ватанининг, миллатининг тайини йўқ террористлар эканлигини айтишди.

Дарсимни фақат фанимнинг ўзи билан чекланиб қолмасдан балки, бошқа фанлар билан боғлаш учун қуйидагича саволлар ҳам бераман. Қон ва юрак ҳақида ким қандай шеър ва мақоллар билади? Ўқувчилар мавзуга доир ёд олганларини айтишади.

Меҳр тўла юрак муштдек бўлса ҳам,
Буюк бир вулқондек қайнаб тураркан.
Таажжуб — шу қайноқ вулқонни ҳар дам
Инсон ўз кўксида олиб юраркан.

Навбатдаги ўқувчи қуйидаги мисрани айтади:

Юрагимнинг бир парчаси — болам ўзингсан,
Нурли уйим дарчаси — болам ўзингсан.
Сенда аксим намоёндир, иймоним ўзинг,
Томиримда қайноқ жўшқин қоним ўзингсан.

Шу тариқа ўқувчилар дарсни давом эттиришади ва шундан сўнг режа бўйича савол-жавоблар бошланади.

— Қон айланиш системаси деганда нимани тушунасиз?

— Қон айланиш системаси, деганда юрак ва қон томирларда қоннинг тўхтовсиз айланиб туришини тушунаман.

Ўқувчилардан яна ким саволни тўлдиради, деб сўрайман. Тўлиғича жавоб бўлмаганлиги учун энг фаол ўқувчилар тўлиқ жавоб беришди.

— Қон айланиш системаси деб юрак, артерия, вена ва капиляр майда қон томирларда қоннинг тўхтовсиз ҳаракатланиб туришига айтилади.

— Қон юракка қандай келади?

— Юракнинг қисқариб кенгайиши натижасида артерия ва капиляр қон томирлари орқали организмдаги барча тўқима ва ҳужайраларга бориб, кейин вена қон томирлари орқали юракка қуйилади.

— Қон айланишининг нима аҳамияти бор?

— Қондаги озуқа моддалар, кислород ва гармонлар ҳужайрага ўтади. Ўқувчилардан яна ким шу саволга тўлиқ жавоб бера олади, деб сўрайман. Жавоб бўлмаса ўзим қўшимча қиламан:

— Ҳужайрада модда алмашинуви натижасида ҳосил бўлган қолдиқ моддалар ва карбонат ангидрид улардан майда вена капиляр томирларига ўтиб, кейин йирик вена томирлари орқали юракнинг ўнг бўлмачасига келиб қўйилади (сўнг юракнинг расми туширилган тасвир ва муляжлардан кўрсатиб тушунтираман).

Шундай қилиб, юрак қон томирлари тананинг ҳамма тўқима ва ҳужайраларида озиқ модда ва кислородларни етказиб беради, деб, ўқувчиларга яна ўзим савол бераман. Бу қандай система деб айтилади?

— Бу ташувчи система деб айтилади.

— Юрак— бу қандай орган?

— Юрак — қон айланиш системасининг марказий қисми, шунинг учун агар юрак қисқа вақт тўхтаб қолса, одамнинг ҳаёти ҳам тўхтайди.

— Юракнинг катталиги қанча?

— Юракнинг катталиги ҳар бир кишининг муштига тенг бўлиб, жисмоний меҳнат билан шуғулланган кишиларда бир оз яхши ривожланган бўлади.

— Юракнинг оғирлиги қанча?

Эркакларда 220-300 гр. аёлларда 180-200 гр. бўлади.

— Юрак қаерда жойлашган?

— Юрак кўкрак қисмининг чап томонида жойлашган.

Мен юрагингиз қаерда жойлашган деб сўраганимда, айрим ўқувчилар хатоликларга йўл қўйишди. Шундан сўнг у орқа томондан қизилўнгач ва аорта қон томирининг пастга тушувчи қисми орқали умуртқа поғонасидан ажралиб диафрагма орқали пастки томондан — қорин бўшлиғидан ажралиб чиқади, деб ўқувчилардан кўргазма орқали кўрсатиб беришни сўрадим. Улар кўргазмадан кўрсатиб беришди.

Эксперимент-1 (тажриба) орқали синф ўқувчиларининг ўнг қўлларини кўкрак қисмининг чап томонига қўйишини айтаман, улар ўнг қўлларини кўкракнинг юрак жойлашган томонига қўйишади ва юрак уришини кузатади.

Мен савол бериб, нима учун биз бирбиримиз билан саломлашганда ёки Ўзбекистон Республикаси мадҳияси айтилганда, давлат байроғи кўтарилганда, ўнг қўлимиз кафтини юрак томонга қўйиб кутиб турамиз, деб мурожаат қилганимда синф бирданига жим бўлиб қолди ва сўнгра Дилноза ҳамда Акмал ўрнидан туриб, "Муаллима, бу берилаётган салом ва Республика байроғига бўлган ҳурмат чин юракдан эканлигини билдиради", дейишди.

Савол-жавоблар яна давом эттирилди:

— Юрак неча камерадан иборат ва қандай?

— Юрак тўрт камерадан иборат бўлиб, у чап бўлмача, чап қоринча, ўнг бўлмача ва ўнг қоринчадан иборат.

— Клапанлар нечта?

— Клапан тўртта. Мен ўқувчилардан клапан нима эканлигини сўрадим. Улардан кўпчилиги юрак клапани ва камерасини бир-биридан фарқлай олмадилар. Қўшимча қилиб клапан ва камера нима эканлигини кўргазмалар асосида ва муляждан кўрсатиб тушунтириб бердим.

— Юракнинг қисқариши ва кенгайиши нима деб айтилади?

— Юракнинг бўлмача ва қоринча мускулларининг қисқариши систола, кенгайиши эса диастола деб айтилади.

— Катта одамларнинг юраги бир минутда тинч турганда неча марта уради?

— Бир минутда 70-72 марта уради.

Мен шу саволга қўшимча қилиб умумий синф ўқувчиларига сизнинг юрагингиз бир минутда неча марта уради, қани уни қандай синаб кўрамиз? — деб сўрадим. Ўқувчилар умумий тарзда, қўл қон томирларини ушлаб кўриб биламиз, деб жавоб беришди.

Эксперимент-2(тажрибани)ни ўқувчиларга яна сабоқ давомида ўтказиб бордим, ўқувчиларга ўнг қўл бош бармоғини чап қўлнинг кафт устидаги томирга секингина қўйиб ушлаб туришни айтдим ва соатга қараб бир минутда юрак неча марта уришини синаб кўринг, деб ўқувчиларнинг синашини бир минут кутдим. Айрим хато санаган ўқувчиларга эса уйга топшириқ қилиб бердим.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, дарсда ривожлантирувчи муҳит ҳосил қилиш учун ўқувчиларни ўқитмайлик, балки уларни ўқишга ўргатайлик, Олмон педагоги Дестивергнинг "Яхши ўқитувчи ўқувчиларни ҳақиқатни излашга ундайди, ёмони эса уни гапириб беради" деган даъватига риоя қилайлик.

Дилафрўз ҒАФФОРОВА,
Термиз шаҳридаги
13-мактаб ўқитувчиси

Мамлакатимизда ОАВни Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари таъсис этишлари мумкин

Бу лойиҳада "Сурхон" қўриқхонаси биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш ва бойитиш муаммоси кўтарилган.

Qonun va fuqaro

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

7-мақола

Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радио, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар — оммавий ахборот воситалари (ОАВ)дир.

Гарчи қонунда расман нормаланмаган бўлса-да, кенг омма орасида (айниқса, журналист халқида) ОАВ — тўртинчи ҳокимият саналади. Эслатиб ўтамиз, Конституциямизда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти фарқланади.

"Тўртинчи ҳокимият", яъни ОАВ билан боғлиқ муносабатлар мамлакатимизда дастлаб 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунида мустаҳкамланган. Кейинчалик, **1997 йил 26 декабрда** ҳам шаклан, ҳам мазмунан яна ушбу номда янги қонун қабул қилинди ва аввалгиси ўз кучини йўқотди. Бугунги кунда ушбу қонун амалда. Қонун 30 моддадан иборат. Қонунга кўра, ОАВ эркин бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади. ОАВ ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланади. Таҳририят ходими (журналист) мурожаатлардан ёки бошқа манбалардан ўзига маълум бўлган (ўзи гувоҳ бўлган) муайян воқеа, ҳолат юзасидан журналистик текширув ўтказишга, фактларни, гувоҳлик кўрсатмаларини тўплашда аудио ва видео техникадан фойдаланишга ҳақли. Шунингдек, суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг журналистик тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир. Айни вақтда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар ҳам. Қонуннинг энг муваффақиятли жиҳатларидан бири шундаки, ҳар ким ОАВда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

Қонунда цензура ҳақида ҳам сўз юритилади. Унга кўра, эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

ОАВдан ғаразли мақсадларда, дейлик, мавжуд конституциявий тузумни, ҳудудий яхлитликни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш ва зўравонлик, шафқатсизлик, миллий, диний адоватни тарғиб қилувчи восита сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Конституцияга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Бинобарин, ОАВ орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади. Шунингдек, жиноий ҳаракатлар юзасидан дастлабки тергов ва суриштирув материалларини прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз эълон қилиш тақиқланади.

ОАВ хабар ва маълумот тақдим этган манбанинг ёки тахаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга **ҳақли эмас.**

Юридик ёки жисмоний шахс ОАВда эълон қилинган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ўзининг шаъни ҳамда қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотлар бўйича раддия беришни мазкур ОАВ таҳририятидан талаб қилишга ҳақлидир. Раддия ёки жавоб махсус рукнда ёхуд ана шунга сабаб бўлган материал газетада босилган айни ўша саҳифада, раддия келган кундан бошлаб — **бир ой муддат ичида,** бошқа даврий нашрларда — **навбатдаги сонда;** раддия ТВ ёки радиода эшиттиришнинг ёки кўрсатувнинг айни ўша дастурида, келган кунидан бошлаб — бир ой муддат ичида эълон қилиниши шарт. ОАВ раддия эълон қилишдан бош тортса ёхуд раддия эълон қилишнинг юқоридаги муддатларини бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво билан судга мурожаат қилишга, лозим бўлса, ОАВдан Фуқаролик кодексига кўра, кўрган маънавий зарарни ундириб олишга ҳақлидир. Агар олинган маълумот (материал)лар расмий хабарлардан олинган бўлса, ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса, ёхуд муаллифнинг тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, бундай ҳолларда журналист (муҳаррир, бош муҳаррир) жавобгар бўлмайди.

Мамлакатимизда ОАВни Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари таъсис этишлари мумкин (шунингдек, чет эл ОАВ ваколатхоналари ва вакиллари Ўзбекистон Республикасида фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганларидан кейин амалга оширадилар). ОАВ таҳририяти улар тегишли тартибда рўйхатдан ўтганларидан кейин фаолият кўрсатадилар. ОАВ ўз фаолиятини муассис тасдиқлайдиган устав (низом) асосида юритади. **Уставда** (низомда) муассис, муҳаррир (бош муҳаррир) ва таҳририят ходимларининг ваколатлари белгиланади ва ОАВнинг номи, қайси тил (тиллар)да эълон қилиниши, манзили, фаолият тури ва мақсадлари, таҳририят мол-мулки манбаи ҳамда фойдани тақсимлаш тартиби, нашрни қайта ташкил этиш ва тугатиш каби масалалар кўрсатилади. ОАВ муассиснинг, ОАВни рўйхатга олган органнинг ёки суднинг қарори билан тугатилиши мумкин.

Дарвоқе, қонун ОАВда ҳомийлар иштирокини ҳам ёқлайди. Аммо ҳомийларнинг ОАВ ва улар ходимларининг касб фаолиятига аралашуви тақиқланади.

Миродил БАРАТОВ

МАКТАБДАГИ КИЧИК АКАДЕМИЯ

Навоий вилояти ХТБ тасарруфидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернатида таҳсил олаётган 352 нафар ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар уларнинг баркамол инсон бўлишларига пойдевор бўлмоқда.

Ўзбекистон ФАнинг кичик академияси ушбу таълим масканида фаолият кўрсатаётганлиги мақтовга сазовордир. 9-синф ўқувчиси Фаррух Самадов президентлик қилаётган кичик академиянинг асосий вазифаси иқтидорли ўқувчиларни ўзига жалб қилиш ва уларнинг фанлар назарияси ва амалиёти соҳаларидаги қизиқишларини ривожлантиришга кўмак беришдир. Академиянинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилиш учун ҳар йили октябрь ойида эълон берилиб, олимпиадалар бўйича мактаб босқичида ғолиб бўлган ўқувчилар ҳамда вилоят, республика босқичларида фахрли ўрин олган 6-11-синф ўқувчилари орасида танловга қатнашиш учун ўз истагини билдирадилар ва Кичик Академия Президенти номига ариза ёзадилар. Бундан ташқари синф раҳбари томонидан ўзининг танлаган фани бўйича билим салоҳияти ҳақида қисқача ёзма тавсифнома илова қилишлари ҳам шарт. Аввало синовларнинг мазмуни ва мезонлари мактаб ўқувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва метод бирлашма йиғилишида тасдиқланади. Академия аъзолари билан машғулотларни олиб боришда мазкур академиянинг Президенти ҳамда халқаро, Республика ва вилоят олимпиадаларида муваффақиятларни қўлга киритган иқтидорли ўқувчилар фаол қатнашишлари мумкин.

Шунингдек, кичик академия доимий машғулотлардан ташқари (камида бир йилда бир маротаба) ўзининг ялпи мажлисини ҳам ўтказади. Ва, бу мажлисларда мактаб, институт ва университетларнинг тажрибали ўқитувчи ва профессорлари иштирокида Академия аъзолари ўзларининг мустақил илмий тадқиқот ишларини ҳимоя қиладилар.

Энг эътиборли жиҳати, 1998-99 ўқув йилида 29 нафар битирган ўқувчининг 24 таси, 1999-2000 ўқув йилида 33 нафар битирувчидан 30 нафар, 2000-2001 ўқув йилида эса 25 битирувчидан 24 нафари олий ўқув юртларига ўқишга киришди.

Хуллас, ушбу мактабда Кичик Академиянинг фаолият кўрсатаётгани Ўзбекистон Фанлар Академиясининг аста-секинлик билан бўлса-да, таълим ўчоқларига кириб бораётганлигидан далолатдир.

Ўткир ПЎЛАТ

Mulohaza

МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган. Лекин инсоннинг шаклланишида тарбия устувор аҳамиятга эга бўлади. Умуман айтганда, тарбия таълим бериш жараёнининг барча маърифий тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Умуман, тарбия, миллий тарбия ҳақида сўз борганида бу тушунчанинг моҳиятини ҳам бироз англаб олиш лозим. «Тарбия», «тарбият» сўзларининг асл маъноси арабчада, парвариш қилмоқ, таълим бермоқ, ўргатиш, одоб ўргатиш, меҳрибонлик кўрсатиш, ҳимоя қилиш каби маъноларни англатади. Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсдир. Мукаммал тарбия бериш — маънавий жамиятнинг барча жабҳалари равнақи учун субъектив омил яратиш демакдир. Ҳадисларда айтилганидек, ота-онанинг ўз фарзандларига қолдирадиган энг катта мероси уларга ўргатган ахлоқи ва одобидир.

Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларнинг ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ва малакасини тарих тажрибаси, давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Ўз олдига инсон кучи, билими ва иродаси билан бажарилиши мумкин бўлган муайян мақсадларни қўйган давлатлар ҳам таълим-тарбия ишларига бефарқ қарашмаган. Ҳар бир мамлакатда амалга оширилган тарбия тизими негизида олдиндан белгиланган мақсадлар ётади.

Миллий тарбия эса инсон, шахсини шакллантиришда миллий-маданий мерос ва қадриятлардан фойдаланиш, ҳар бир шахснинг маънавиятига ўзига хос миллий йўналиш беришга ҳаракат қилишдир. Тарбия кўрган кишилар умуминсоний қадриятларни қанчалик ўзлаштирмасинлар, улар ҳамма вақт муайян миллатнинг вакили бўлиб қолаверадилар. Миллатлар қанчалик яқинлашмасин уларнинг вакиллари ўз маънавий қиёфаси жиҳатидан тўла уйғунлашиб кетмайди. Зеро, миллат мавжуд экан, унинг маънавий камолоти билан боғлиқ бўлган тарбиянинг ўзига хос миллий усуллари, мазмуни ва йўналиши ҳам такомиллашиб бораверади.

Мутафаккир боболаримизнинг илмий меросида, ўзбекларда қадрланган, ўзбекона ахлоқ, одоб тарбиясига асос қилиб олинган маънавий фазилатлар ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар бор. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида ўзбекларга хос бўлган кўплаб ахлоқий сифатларни тасвирлайди. Булар — ҳалоллик ва иймонлилик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, фарзандларга, ота-оналарга меҳрибонлик, покиза эътиқодлилик, диний қадриятларга риоя қилиш, саводхонлик, саховатлилик, хушфеъллик, ширинсўзлик, дўстларга оқибатлилик, мардлик, хушсуҳбатлилик, одиллик, илмни қадрлаш, самимийлик, санъатни, шеърхонликни севиш, одамийлик ва бошқалар. Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг асарлари нуқтаи назаридан таҳлил этсак, миллий ахлоқий қадриятларнинг янги-янги жиҳатларини кашф этишимиз, амалда қўллашимиз мумкин. Херман Вамбери Олтин Ўрдадаги ўзбекларнинг мусулмонча тарбияланганлигини, шафқатсиз одатлардан бош тортганини, ўзаро турмуш кечиришини, савдо-сотиқда оғирвазминлигини, саноат, ҳунар-касбда мўътадиллигини, оққўнгиллигини ва мардлигини, жиддий, ҳақиқий туркий хислатларга эгалигини, камгаплигини, садоқатлилигини ва довюраклигини, ашула ва мусиқани жон дилидан севишини, оилавий муносабатлардаги поклигини, мулоҳаза, андиша билан тўғри сўзлашини, ота-онага ҳурмати ва эътиқоди кучлилигини баён этган.

Ҳозирги кунда ўзбек халқи маънавияти таркибига кирувчи ахлоқий қадриятлар мазмун жиҳатидан янада кенгайиб бормоқда. Таълим-тарбия жараёнида бу қадриятларни эътиборга олиш керак. Миллий-маънавий қадриятларнинг, миллий тарбия усулларининг аҳамиятини камситмаган ҳолда шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай шароитда ҳам тарбия соф миллий мезонлар доирасида қолиб кетиши керак эмас. Жамият тараққиётининг барча даврларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида белгиланган.

Бугунги кунда республикамизда мавжуд барча таълим муассасаларида, жумладан, бизнинг Шайхонтоҳур туман 17-автотранспорт касб-ҳунар коллежимизда ҳам таълим ва тарбия олаётган ўқувчиларнинг касбга қизиқишини ва ўз Ватани олдидаги бурчини англашини кенг миқёсда тушунтириш жамоада меҳнат қилаётган мураббийларнинг бугунги кундаги асосий бурчига айланган. Коллежда миллатимиз маънавияти ва маърифатидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга ўргатиш яхши йўлга қўйилган. Республикамиз учун рақобатбардош, дунё стандарти талабларига мос келадиган кадрлар етиштириб бериш ҳозирги кунда нафақат касб-ҳунар коллежларининг, балки барча таълим даргоҳларининг масъулиятли вазифасидир.

С.БОБОҚУЛОВ,
коллеж раҳбари

Fan va hayot

КЎҲНА ТЕРМИЗ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Яқиндагина ўзининг 2500 йиллигини нишонлаган Термиз шаҳри кўҳна тарихга эга. Тантанали маросимда нутқ сўзлаган Президентимиз шундай деган эди: *"Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган бу шавкатли шаҳарни етти иқлимга маълуму машҳур этган унинг шонли тарихи, қадим-қадимдан шаклланиб келаётган бой маданияти, беқиёс обидалари, десак, хато бўлмайди, албатта".*

Дарҳақиқат, Термиз сир-синоатларга бой ҳудуд ҳисобланади. Унинг бағрида тадқиқотлар ҳеч қачон тўхтаган эмас ва абадий давом этади. Термиз Давлат университети олимлари бу масалага ўзларини ҳамиша дахлдор деб биладилар. Университет "Ўзбек адабиёти" кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор Қудрат ЖЎРАЕВ билан мазкур даргоҳда олиб борилаётган илмий изланишлар, уларнинг маънавий-маърифий аҳамияти хусусида суҳбатлашдик.

— Термизлик олимлар олиб бораётган тадқиқотлар кўпроқ қайси йўналишда яққол намоён бўляпти?

— Олим халқини қизиқтирмаган масаланинг ўзи йўқ. Уларни қизиқтираётган тадқиқотлар, албатта, ўз қадр-қимматига эга деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан қараганда, университетимиз профессор-ўқитувчиларининг турли йўналишларда олиб бораётган изланишлари ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан эътиборга моликдир.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг негизида туради. Ўзбекистон шароитида, пахтанинг серҳосил, тезпишар навини етиштириш ҳамиша долзарб ҳисобланган. Бу муаммони ҳал қилишда физик методлардан фойдаланиш ҳам ўзига хос роль ўйнайди.

Ўрта толали "Н-77" ва "Оққўрғон -2" навли пахта чигити униб чиқиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига лазер нурининг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар университет лабораторияси шароитида, Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг тажриба участкасида ва Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номли жамоа хўжалиги пахта далаларида параллел равишда олиб борилди. Олинган натижалар умумлаштирилиб, ўртача қийматлари белгиланди. "Оққўрғон-2" навли пахта чигити экиш учун "Олтин чигит" Ўзбекистон-Греция қўшма корхонасида тайёрланган маҳсулот лазер нури билан нурлантириб кўрилди.

Лаборатория ва дала шароитида ўтказилган барча тажрибаларнинг ҳисоб-китоб ва хулосалари умумлаштирилди. Ҳар бир вариант бўйича тажрибалар 10-12 марта такрорланиб, уларнинг қийматлари олиниб, жадвалларга киритилди. Демак, маълум узунликдаги лазер нурининг айтиб ўтилган пахта навлари униб чиқишига ижобий таъсир этиши аниқланди. "Оққўрғон-2" навли пахта чигити нурланмасдан экилганда 75 фоиз униб чиққан бўлса, лазер нуридан фойдаланилганда 90,3 фоиз кўкариш кузатилди.

— Биламизки, Термиз узоқ ўтмишлардан акс-садо берувчи шаҳар. Сурхон воҳасидаги Тешиктош ва Зараутсой, Жарқўтон ва Сополлитепа, Холчаён ва Далварзинтепадан топилган археологик қазилмалар бу фикрни исботлаб турибди.

— Тўғри таъкидладингиз, Термиз қадимий шаҳар, гарчанд бу жой тарихига оид бир талай тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ҳали бу ҳудуднинг ўрганилмаган объектлари ҳам кўп. Университетимиз қошидаги "Археология- этнография маркази" ходимлари икки йўналишда изланиш олиб бормоқдалар: *"Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатлар"* ҳамда *"Шимолий Тохаристоннинг ўрта асрлар даври тарихий маданияти, савдо ва маданий алоқалари".*

Марказ ходимларининг 2001 йилдаги археологик қазув ишларига тарих факультети 1,2,3-курс талабалари ҳам тортилди. ЎзФА Археология институти ва Японияннинг Сока (Токио) университети "Буюк ипак йўли" миллий маркази профессори Като Кундзо раҳбарлигидаги гуруҳ тадқиқоти кўҳна Термизнинг буддавийлик ибодатхоналаридан бири Қоратепа ёдгорлигида олиб борилди. Қазув ишлари март, апрель, май ойларига тўғри келди. Шу нарса маълум бўлдики, милоднинг II-V асрларида янги Кушон давлати инқирозга юз тутгандан сўнгги тақдири, унинг ислом дини тарқалгунга қадар Сурхондарё вилоятида тутган мавқеи ва Шимолий Тохаристоннинг Шимолий Ҳиндистон билан ўрнатган маданий алоқаларига доир моддий ашёвий манбалар топилди.

Қоратепа ибодатхонсининг ғарбий қисмида қазув ишлари шартли равишда "А" деб номланди. Жанубий томондан эса иккинчи ғорсимон хона қазиб очилди. Ҳовлига унинг шимолий қисмида жойлашган зинапояли йўлакча орқали кирилган. "Б" деб номланган иншоотда ер устки қисмида қурилган ҳовли тўлиқ қазиб очилиб, унинг жанубий тарафи бўйлаб ғорсимон ҳужра ёки "П"симон айланма зал эшикларигача тозаланди.

Шу сингари қазув ишлари шаҳарнинг қалъа қисмидаги мудофаа истеҳкомларида, шишасозлар маҳалласида, катта ва кичик Чингизтепа деб номланган қисмларида ҳам олиб борилди. Мазкур археологик тадқиқотлар, Бақтрия-Тохаристон, Сурхондарё тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётига оид қимматли маълумотларни беради.

— Илмий тадқиқотларни хўжалик шартномалари асосида олиб бориш ҳам кўпгина муаммоларга ечим топади. Бунга университет миқёсида ҳам эътибор берилаётгандир?

— Одатда бу хил тадқиқотлар умумий йўсинда эмас, балки кафедралар томонидан аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилади. 46 та кафедра орасида "Банк иши ва солиқ", "Иқтисодий кибернетика ва бухгалтерия ҳисоби", "Ахборотлар технологияси ва моделлаштириш", "Автомобил транспорти", "Педагогика ва психология" кафедралари ўз йўналишига мос объектлар билан хўжалик шартномалари тузишиб, анча-мунча маблағ ишлаб топишга муваффақ бўлдилар.

— Фақат ўз доираси атрофида ўралашиб қолиш ҳар қандай олий ўқув юртининг имкониятларини чегаралайди. Университетингиз бошқа давлатлар билан ҳам илмий ҳамкорлик ўрнатганми ва қайси йўналишларда?

— Фикрингизга қўшиламан. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида, барча олий таълим муассасалари сингари, Термиз Давлат университетида ҳам дунё мамлакатлари билан алоқалар йўлга қўйилди. Булар экология, чет тиллари, физика-математика, молия йўналишларида, айниқса, кўпроқ намоён бўлмоқда.

Профессор Р.Қулматов халқаро "АЙСАР" экологик жамғармаси грантини қўлга киритди. Бу лойиҳада "Сурхон" қўриқхонаси биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш ва бойитиш муаммоси кўтарилган.

Тошкент шаҳридаги хорижий давлат элчихоналари ва ташкилотлари билан тузилган ҳамкорликлар туфайли университетга 1000 АҚШ доллари миқдоридаги ўқув-видео аппаратлари, ўқув қўлланмалари, дарслик ва адабиётлари олиб келишга эришдик.

Чет эллик ҳамкасбларимизнинг бизга тез-тез қадам ранжида этишлари ҳам ижобий ҳодисадир. Широз университети ректори, доктор Мажид Эршад Ландгруди бошчилигидаги делегация, "АЙСАР" жамғармаси вакиллари Фридрих Эберт, Детерс, Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раиси Питер Дарьеф ва бошқалар университетимизда меҳмон бўлиб кетишди. Бинобарин, юзма-юз мулоқот ҳамкорликни тағин-да мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзига яраша илмий салоҳияти мавжуд Термиз Давлат университети педагогик жамоаси доимий изланишда. Зеро, Миллий дастурда белгиланганидек, фан муттасил изланишни талаб қиладиган соҳа. Шундай экан, олдимизда турган муаммоларни имконият ахтариб ва ўз мавридида ҳал қилишга эришишимиз керак.

Яқиндагина матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг "Илмий тадқиқот фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони асосида янгича ишлаш йўл-йўриқларини ўрганиб чиқаяпмиз. Бундан буён илмий тадқиқот фаолиятининг грант ва танловлар асосида олиб борилишини биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош **Ҳулкар ТЎЙМАНОВА**

ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Республикамизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ишларини юксалтириш ва бошқа муаммоларни ҳал этиш учун ҳуқуқий замин яратилмоқда. Хўш, бу борада ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорлар ижросини таъминлаш туман ва шаҳарларда қандай кечмоқда? Ижобий силжишлар борми? Биз Ғузор тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Рустам Ҳайитов билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

Qonun va ijro

—Туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ички ишлар бўлими, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи нозирлик, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари ва тегишли ташкилот ва идоралар фаолиятини вояга етмаган болалар билан ишлашга йўналтириб бормоқда.

Айни пайтда Ғузор тумани аҳолисининг 51 фоизини ана шундай ёшлар ташкил этади. Ўз-ўзидан маълумки, уларнинг аксарияти мактаб ўқувчиларидир. Республика ДТМнинг хулосаларига кўра, Ғузор туман ХТБси 2001 йилда Қашқадарё вилоятидаги 15 та ХТБлари орасида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра фахрли биринчи ўринни эгаллади. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб етказиш, ёшлар онгида Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва бошқа долзарб вазифаларни амалга оширишда халқ таълими ходимларининг хизматлари беқиёсдир.

2001 йилда туман ҳудудида ўқимай ва ишламай юрган ёшлар хўжалик юритувчи субъектлар мониторинги ташкил этилиб, 2 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди ва уларнинг маълум бир қисми иш билан таъминланди. Шу ўринда бир фактни айтиш лозимки, 2000 йилда туманимизда 630 нафар ўсмир ишламай юрган бўлса, бу рақам 2001 йилда 263 нафарни ташкил этди.

Ёшлар орасида гиёҳванд моддалар тарқалишининг олдини олиш ва бу хавфли иллатнинг туманимиз ҳудудида томир отишига имкон яратмаслик учун кенг қўламли ишлар амалга оширилди, спорт машғулотлари ва бошқа оммавий тадбирлар орқали ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш йўлида ижобий ишлар қилинди.

Якунланган йилда 6 жойда спорт-соғломлаштириш масканлари ташкил этилиб, айни кунда туманимиздаги 39972 нафар вояга етмаган ёшлар қатор спорт турлари билан шуғулланмоқдалар.

Туман прокуратураси туман ҳокимлигининг вояга етмаганлар ишлари бўйича шуғулланувчи комиссиясининг ишларини мунтазам равишда ўз назоратига олган.

Якунланган йилда туман прокуратураси вояга етмаганлар ишлари бўйича шуғулланувчи комиссиянинг ишларини 4 марта текширувдан ўтказди. Текширувларга кўра, 5 та ноқонуний қарорларга протестлар киритилиб, қонунга мувофиқлаштирилди, қонунбузарликнинг келиб чиқиши, сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан 4 та тақдимнома киритилди, 1та интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Форобий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" рисоласида "ўзида ўн икки тўғма хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўла олади", — деб ёзади.

Қадимий даврлардан бошлаб қанчадан-қанча доно фикрлар, қимматли таълимотлар яратилган бўлишига қарамай, улар ҳанузгача тўла-тўкис рўёбга чиқолмаётирлар.

БИРОВНИНГ ҲАҚИ...

Якшанба эди. Эшигимга келган қиздан сут харид қилдим. Икки юз сўм узатсам:

— Майдам йўқ, опажон, — деди.

— Қайтишда ташлаб кетарсиз, — хотиржам қилдим уни.

... Аммо у келмади. Эртаси ҳам, индини ҳам... Кунглим оғриди.

Йўқ, гап арзимаган қайтимида эмас. Қизнинг алдагани, оқлик сотиб юриб, бировнинг ҳақидан қўрқмагани, одамнинг ишончини топтагани алам қилди. Йўлакнинг қоронғусида юзига яхши қарамаган эканман, кўчамиздан ҳар эрталаб: "Сут, қатиқ, қаймоқ" деб чақириб ўтадиган қизларнинг қай бири ўша эканини яхши билмайман, ўзини тўхтатиб у-бу деб қўяй десам...

Баъзан "Балки у бу тарафларга бошқа келмагандир, ўзи ҳам хижолат бўлиб юргандир", деб ўзимни ишонтиришга уринаман. Шу воқеа сабаб давраларда кишининг ҳақи ҳақида эшитган ҳикоялар эсимга тушди.

УЗР

Бозорбой бобо дармонсизланиб борарди. Офтобрўйга ҳам чиқмай қўйди. Ажиб бир руҳий ўзгаришларни дарақловчи туш кўрган кунларининг бирида кечқурун тунгич набирасини йўқлатди.

— Камолжон, сенга бир илтимосим бор, ўғлим. Ака-укаларинг орасида пишиқроқсан, шунинг учун кўпроқ сенга ишонаман.

— Э, илтимосингиз нимаси, буважон. Кунглингиз нима тиласа, айтинг, етса мол, етмаса жон. Бу дунёда сизга суянч бўлмасак, нима қилиб ўғил бўлиб юрибмиз... Неваранинг бу гаплари бобога далда бўлди.

— Балли шунқорим... Сендай пайтимиз эди, ўт-олов эдик. Беш-олтита оғайнилар туркман элига чопқинга борибмиз. От кишнатиб, уйма-уй кириб, одамларни ваҳимага солишни мартаба биларканмиз-да. Хуллас, болам, ушанда бир Исмоил отли кишининг пишиб турган жухорипоясидан ярим қопча жухори қайириб олиб келганман.

Моҳиятни англамаган невара бобо гапини бўлди.

— Э, буважон-ей, қаёқдаги замонларни эслаб, юрагингизни сиқманг. Ёшлик — бебошлик, ўтди-кетди...

Бобо унинг гапини эшитмаётгандай давом этди:

—Бу жухорини экиб ҳосил кўтардик. Сал ёшим ўтиб, савоб-гуноҳга ақлим етадиган бўлгач, ҳар йилги экин-тикиндан ўзим, болаларим учун бир улуш закот берсам, ўша жухори учун яна бир улуш закот тўлаб келдим.

— Ана, буважон, сизда ҳеч кимнинг ҳақи қолмабди... — Бобони тинчлантирган бўлди невара.

Бобо бош чайқади:

— Бу гапни сен эмас, ўша жухори эгасининг ўзи айтиши керак. Асли, менинг куним битди, болам. Фақат ўша биргина "Розиман, ҳақимдан кечдим", деган сўзга маҳтал бўлиб турибман.

Камол бувасини энди кўраётгандай кўзларини катта-катта очиб, тикилганича ҳазиломуз сўз қилди:

— У бобой борми, ё тупроққа қўшиб, тупроғидан гул униб ётибдими?

Аммо Бозорбой буванинг кўнгли ҳазилни кўтармасди.

— Ўзи бўлса ўзини, йўқса, ўғлими, қизими, неварасими, агар улар ҳам бўлмаса, оға-инисиними, синглисиними, хуллас, бир хешини топиб кел.

Бобосининг овозидаги қатъият, фармонбардорлик Камолжонни хушёр торттирди, сакраб ўрнидан турди...

...Баланд бўйли, чўгирмали кишини Камол бошлаб келганда бобонинг қорачиқларидаги сўнаётган нур жонланди. Меҳмон йўл-йўлакай ҳамма гаплдан хабардорлиги учун бобонинг ёнбошига чўккалади.

— Мен Исмоилбекнинг ўғлиман, Исмим Иброҳим...

— Ухшаб турибсан...

Бобонинг имоси билан эшик олдига шохдор катта бир қўчқорни етаклаб келишди.

— Ярим қоп жухори учун отам бўлиб розиман, дегин!

— Розиман, амаки, розиман!

— Қўчқорнинг ипини ушлаб туриб айт, отам учун розиман, де.

Иброҳимбек ўрнидан туриб бобонинг айтганини қилди.

— Худога шукр! — Бобо юрагини чангаллаб турган оғриқ қўйиб юборгандек енгил тортди. Сўнг неварасига юзланди.

— Иброҳимбекни меҳмон қилинглар...

Камол меҳмонни меҳмонхонага олиб ўтди. Бир пиёла чой ичилар-ичилмасдан, бобо ётган уйдан аёллар йиғиси кўтарилди...

ЙЎЛДА

Она ва бола чиптасида кўрсатилган купега кириб, буюмларини жойлаштира бошлади. Поезд ўрнидан жилгач, рангпаргина йигит купе эшигига суянди:

— Бўшми, опа?

— Ҳозирча бўш, — деди аёл ва қўшиб қўйди: — Купеда ҳамманинг ўз жойи бўлади.

— Биламан, — йигит ўриндиқнинг бир чеккасига омонатгина ўтирган эди, йўл кузатувчи кириб қолди.

— Ака, уйга шошилинч боришим керак бўлиб қолди. Ҳозир... қўлимда ҳеч нарса йўқ эди, қайтишда ташлаб ўтаман.

Йўл кузатувчи унга қанотли туя кўргандай ажабтовур қараш қилди.

— Эсингиз борми? Ҳеч замонда ақчасиз ҳам поездга чиқадими одам, тағин купега-я?!

— Бир бўлиб қолди-да, ака, менга ҳозир кўпчилик тўғри келмайди, барибир ҳам купенгиз бўш кетяпти-ку... — Йигит сал асабийлашди.

— Кўпчилик тўғри келмаса, "Мерседес"да кетинг, вертолётда учинг..

— Мен шу купеда кетаман. Пулингизни эса албатта бераман, лекин ҳозир эмас.

Аёл бир бурчакка суқилиб олди. Унинг жанжалга тоби йўқ эди. Бола эса кўзларини пириллатиб гоҳ йўл кузатувчига, гоҳ тобора овозини кўтараётган йигитга қарарди.

— Ҳов, аперис, менга номеринг ўтмайди. Ҳозир мелисани чақираман, кўрасан купеда кетиш қанақа бўлишини.

Агар аёлнинг ўғли йўл кузатувчини тўхтатмаганда эҳтимол баҳс жанжалга айланарди.

— Амаки, аччиғингиз чиқмасин, аям пул бериб турадилар, берасиз-а, ая?

Аёл боласига ялт этиб қаради. "Бегона-ку", дегиси келди. Аммо боласига "Одам одамни ҳеч қачон кулфатда қолдирмаслиги керак", деб ўргатганлари эсига келдими. Сумкасидан пул чиқариб йўл кузатувчига санаб берди.

— Тавба, таниши экан-у, бир амаллаб иккита билан кетмоқчи бўлган-да!

Купедан чиқиб кетаётган йўл кузатувчи мингирлаганча нари кетди.

— Опа, адресингизни берасиз, пулингизни олиб бориб бераман...

... Орадан уч ой ўтди. Она ҳадеб таъна қилавермаса ҳам, ўғли ким учун нимадир илтимос қилса:

— Ўша йўл кузатувчи "аперис" деб тўғри айтган экан, купни кўрган-да, одамни бир қарашда ажратади. Сен эса унинг гапларига лаққа тушдинг...

Бола гоҳ:

— Келар, ая, балки касал бўлиб қолгандир, — дейди. Гоҳ: — Ая, катта бўлсам, ишлаб ўша пулингизни қайтараман, — дерди.

Кунларнинг бирида кўчадан почтачининг овози келди:

— Пошша опа, меҳмон олиб келдим.

Почтачи амакининг изидан она ва боланинг поезддаги ҳамроҳи кўринди.

— Айтдим-ку, аяжон, келадилар дедим-ку!

Боланинг жарангдор овози ҳовлини тўлдириб юборди.

ҲАМРОҲ

Тун яримлаб қолган. Ойгул "тиқ" этса эшикка термулиб ўтирибди. Эри ходимларининг ойлик маошини олиб келгани кетган. Ҳар ойда бориб келадиган поезди, ҳар сафарги йўли, бу қадар ташвишланмаса ҳам буладию аммо қайтиш куни байрам арафаси экани учунми, Ойгул бот-бот безовта бўлаверади:

— Ўртоқлари "Байрам байрамдай бўлсин, ҳар куни келиб юрибсизми", дейишса... вагонга чиқишлари билан уйқу элитса, бир дипломат пул ёнларида бўлса, ҳар хил одам юради йўлда".

Ойгул ўз хаёли, тасаввурларидан ўзи чўчиб кетди. "Йўғ-ей, Худо асрасин, ўзим ҳам кўкнори хаёл бўлиб қолибман.

"Тақ-тақ" эшик тақиллади. Ойгул: "Ана, айтмадимми, ҳуши ўзида бўлса, қўнғироқни унутармиди, пулни ўғриларга урдириб келган бўлса, шўримизга шўрванинг тўкилгани шу!" деб жовиллаб юриб,халатининг бир енгини кийиб, бирини киймай эшикни очди.

Уйдан тушган бир қучоқ нур остонада турган икки кишини ёритди.

— Кеннойи, жўрамни олиб келдим, йўлда байрам деб оз-оздан... айбга буюрмайсиз...

— Дипломат қани? — деди жонҳолатда Ойгул, бўғзига тош тиқилгандай овози зўрга чиқди.

— Мана, шу ерда, қўлимда. Аввал жўрани суяшворинг...

Ойгул уйқуюю сархушлик аро ўзини унутиб, оёқлари судралиб қолган эрини амаллаб уйга киритди. Эри "гурс" этиб йиқилди.

— Э,э, вагондан чиққанда яхши эди. Йўлда шабада кўтардими, — гўлдиради шериги айбдордай.

— Сиз кимсиз?

— Мен Муҳаммаджонман. Хужайинингиз билан поездга бирга чиқиб қолдик. Нотанишмиз ўзи. Туппа-тузук адресларингизни айтганди...

Ойгул нотаниш кишининг қўлидан олган дипломатни чангаллаганча, эрининг чўнтакларини титкилай бошлади. Юз, минг, уч юз... ҳаммаси жойида шекилли, чалкашиб кетди.

— Кеннойи, мен борай, эрингизни жойига олиб утказа оласизми?

Ойгул уялиб кетди. Кишининг овозида на гина, на таъна...

— Ўтинг уйга, бир пиёла чой ичинг. Ҳозир ўглимни уйготаман.

— Йўқ, раҳмат, бизникилар ҳам кутиб ўтиришгандир.

... Ойгул эшикни ёпар-ёпмас яна пул санашга тушди. Эшик секин урилди. Ана қайтиб келди, фикри бузилди. Ё аввал биров борми, йўқми, синашга кирган, тез фикрлади Ойгул..

— К-и-и-м?

— Мен, кеннойи, Муҳаммаджонман. Тур халтам йиртилиб, картошкам сочилиб кетди. Қоронғуда тополмаяпман, узр...

Ойгул хотирини жамлаб совуққонлик билан дипломатни ёпти. Хожатхонага олиб кириб қўйди. Ошхонадан ҳар эҳтимолга карши, чопқични ҳам олиб чиқди.

... Муҳаммаджон эшикдан тушган ёруғда сочилиб ётган картошкаларни терарди.

"Пальтоси ҳам этиги ҳам анча униққан экан", деб ўйлади Ойгул. Аммо ўзи бошқа гап айтди.

—Бақувват халта берайми?

— Й-ў-ўқ, овора бўлманг. Йиртилган жойини тугиб қўйдим. Уйгача чидайди. У ёқда картошка савил арзон экан, олаверибман... Сиздан халта олсам қачон олиб келиб бераман? Узингизга керак бўлиб қолиши бор.

— Э, қўяверинг, бермасангиз ҳам майли.

— Й-ў-ўқ, раҳмат! Бўлди шекилли, эшикни ёпаверинг.

... Ойгул шу ўтиришда узоқ ўтирди.

— Ая, нима қилиб ўтирибсиз. Вой, адам нима қилиб ётибдилар?— ётоқхонадан кўзларини ишқалаб чиққан қизчаси сўради.

... Ойгул қизчасини бағрига босди, негадир кўнгли юмшаб, кўзига ёш қалқди. Бояги нотаниш киши ҳақида ноўрин шубҳаларга борганлигидан ҳижолат чекди.

— Ўзингга шукр, минг бор шукр, яхшиларинг кўп, — деб шивирлади.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

Tarbiyaviy soatlarda

КОМИЛ ИНСОН КИМ?

Комил инсон ғояси — ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир...

Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум.

"Авесто"да зардуштийлик эътиқодининг имон калимаси қуйидаги уч амални ўз ичига олади: 1. Эзгу ўй. 2. Эзгу сўз. 3. Эзгу амал. Бундан кўринадики, инсон комилликка эришиши учун авваламбор эзгу ўй, фикрга эга бўлиши лозим. Чунки эзгу фикрли инсоннинг мақсад-муддаоси, ғояси ҳам эзгуликка, яхшиликка йўналтирилган бўлади. Ўз навбатида эзгу фикрли инсоннинг сўзлари ҳам мулойим, хуштаъб, ёқимли, гўзал бўлади. Ва ниҳоят, эзгу сўзларни сўзлайдиган кишининг амалий ишлари ҳам фақат эзгуликка мойил бўлади. Ана шу уч аъмолни ўзида шакллантирган инсон зардуштийлик ахлоқида комил, етук, яъни мукаммал инсон сифатида тараннум этилади.

Умуман инсон ва унинг моҳияти муаммоси жуда қадимий. Дастлабки бундай фалсафий таълимотлар Қадимги Ҳиндистон, кейинроқ Хитойда ривожланди.

Қадимги Ҳиндистон фалсафасида бу масала инсон қаердан пайдо бўлган, "биз қаерда яшаймиз", "қаёққа қараб бораяпмиз" каби саволлар тарзида қўйилиб, бу саволларга берилган жавобларда инсоннинг ижтимоий-маънавий моҳиятини таҳлил этиш билан бирга унинг барча жонли мавжудотлар билан умумийлигига ҳам эътибор қаратилган.

Қадимги хитойлик файласуф Конфуцийнинг "ўзингга нимани истамасанг, бошқаларга ҳам уни раво кўрма", деган фикрида инсонийлик, кишиларга ҳурмат-иззат кўрсатиш йўллари ифодаланган. У яна, билиш — инсонни билишдир, деб айтган эди.

Фалсафий таълимотлар таълими марказида инсон муаммосининг алоҳида тарзда қўйилиши энг аввало қадимги Юнон файласуфи Протагорнинг "инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир", деган фикрида тўла ифода этилган. Яъни у, инсоннинг ўзини энг мукаммал, ақлли мавжудот деб ҳисоблаган. Протагор инсон тузилишининг ўзида мукаммаллик бор экан, шу сабабли у доимо комилликка интилиши лозимлигини таъкидлайди.

Шарқда ислом тарқалган ҳудудлардаги диний фалсафий таълимотларда бу масалага рационал ёндошиш кучли эди. Тасаввуф таълимотига кўра, инсон борлиқдаги энг мукаммал мавжудот бўлиб, ўзида оламнинг моҳиятини жам этади. Шунга кўра борлиқ — дунё олами кабир (катта дунё) бўлса, инсон олами сағир (кичик дунё)дир. Агар коинот миқёсида борлиқнинг бирлиги худода ифодаланса, хоссалари кўринишининг ифодаси — инсондир. Инсон тинимсиз ўз-ўзини билиш орқали комиллик даражасига эришиш имкониятига эга.

Инсон муаммоси масаласини таҳлил этиш натижасида комусий олим, "Шарқ Аристотели" номини олган Абу Наср Форобий инсоннинг барча мавжудотлардан фарқи ақлиидрокдадир деган хулосага келган бўлса, Ибн Сино ақлнинг ўзини умумий қарашлар ва алоҳида нарсалар тўғрисида фикр юритишга қодир шаклда талқин қилади.

Бу муаммо ҳақидаги Беруний фикрлари ҳам аҳамиятлидир. У инсоннинг худо томонидан яратилганлигини кўрсатиб, шундай деган эди: "инсон танаси, ранги, ҳақиқий қиёфаси, табиий белгилари фақат келиб чиқишгагина эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва турар жойга боғлиқдир".

Форобий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" рисоласида "ўзида ўн икки туғма хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўла олади", — деб ёзади.

Ана шу хислатларни ўзида мужассамлаштирган инсонни Форобий фозил (фазилатли), яъни комил инсон деб ҳисоблаш мумкинлигини уқтиради.

XII асрда яшаган Шайх Азизуддин Насафий шундай деб ёзган: "Комил инсон деб шундай инсонни айтамизки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади, яъни яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат. Унинг дили пок — у тили пок, иши ва ниятлари покдир... Аллоҳ йўлини қабул қилган жами соликлар (тариқат аъзолари) шуни эгаллаш билан машғулдирлар. Ва соликлар (тўғри йўл — ҳақ йўлидан борувчи кишилар. Ф.П.)**нинг вазифаси шу тўрт нарсани камолга етказишдан иборат".**

Комил инсон ғоясида кишиларнинг ҳулқини иккига: яхши ва ёмон ҳулқларга ажратиш мумкин. Яхши ҳулқларга: матонат, диёнат, исломият, ҳаққоният, иффат, ҳаё, итоат, қаноат, илм, сабр, интизом, виждон, муҳаббат, олий ҳиммат ва ҳоказолар киради. Ёмон ҳулқлар эса: ғазаб, шаҳват, жаҳолат, таъна, зулм, адоват, ғийбат, ҳақорат, ҳасад ва бошқалардир.

Инсонда дунёвийлик билан "илоҳийлик"нинг уйғунлашуви ҳам унинг комил инсон эканлигидан далолат беради.

Комил инсон образи қиёфаси ғазал мулкининг султони, ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ижодининг ҳам диққат марказида бўлган.

Ҳазрат Навоийнинг "Камол эт касбким, олам уйидин Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ, жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ, эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ" деган фикрлари ҳар бир инсон комилликни ўзига шиор қилиб олиши зарурлигини англатади. Навоийнинг "Хамса"сидаги бир қатор ҳикоятларда комил инсон қиёфаси ёритилган. Комил инсон бўлиш учун киши жисмонан бақувват, ақлан етук, маърифатли ҳамда ҳунарли бўлиши лозимлигини уқтиради. Жумладан "Фарҳод ва Ширин" достонида Навоий Фарҳод тилидан қуйидаги мисраларни ёзади: ҳунарни асрабон неткумдир охир, олиб туфроққами кеткумдир охир.

Яъни, киши бирор ҳунарни эгаллагач, уни бошқаларга ҳам ўргатиши бу инсоннинг комиллигидан далолат беришини таъкидлайди.

Эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол инсонларни вояга етказишга муҳим эътибор берилмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор мақсадни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон ёшларининг комил инсон бўлиб етишишлари ижтимоий, маънавий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, ҳар тарафлама камолга етган баркамол ўғил-қизларгина буюк келажагимизга замин ярата оладилар.

Фотима ПРИМОВА,
ТДТУ кафедра мудири

Табиат гўзаллигидан баҳра олиб яшаш нақадар гўзал. Ана шу табиат гўзаллигини асраш, авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Чилонзор туманидаги 138-мактабда ташкил этилган табиат бурчагида шу мактаб ўқитувчиси, 40 йилдан буён ўқитувчиларга табиатни асраш ҳақида сабоқ бериб келаётган Қутби Воҳидова ўз шогирдларига жонли дарс ўтмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МАЪНАВИЯТ ФАЛСАФАСИ

Маънавий соҳа қадриятлари ўз аҳамиятини узоқ вақтлар давомида сақлайди. Маънавий қадриятларни ҳосил этиш ҳамма вақт янгилик яратишдан иборат бўлган. Буни антик давр ҳайкалтарошлиги ёки бадиий адабиёт мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўша давр маънавий қадриятлари, гарчи ҳозирги санъат ривожланиши даражасидан паст турса-да, лекин ўзининг тарихий ва бадиий қийматини ҳозирга қадар йўқотмаган. Маънавият жамиятнинг сиёсий соҳаси билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Маънавий ҳодисаларнинг барча шароитлардаги сиёсий аҳамияти бир хил бўлган эмас. Уларнинг баъзилари муайян шароитда бевосита сиёсий вазифаларни бажарса, бошқалари бундай имкониятга билвосита эга бўлади.

Ижтимоий ҳаётнинг маънавий соҳаси таркибида ижтимоий онг, унда эса мафкура муҳим ўринга эга. Мафкура ўз тартибига кўра онглилик жараёнига муайян йўналиш беради. Бунинг таъсирида дунёқараш, эътиқод, эстетик меъёрлар ва ҳоказолар шаклланади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожи эҳтиёжлари жамият миллий маънавиятини, миллатнинг ҳар бир фуқаросида ижодий фикр қила олиш қобилиятини шакллантириш вазифасини кун тартибига қўйди. Шўролар тузуми даврида жамият ҳаётининг муҳим тамойили, деб эътироф этилган, халқлар дўстлиги деб аталмиш аслида сохта байналмилалчиликдан нарига ўтмаган соҳа миллий маънавиятни, унинг ижобийлигини инкор этарди. Маънавиятга эса, қўпол моддиюнчилик фалсафаси нуқтаи назаридан келиб чиқилиб, иккиламчи, яъни амалий жиҳатдан иккинчи даражали ҳодиса, деб қаралди. Аслида эса, маънавият, турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қонқариндош қилади.

Ўзбекистонда қад кўтараётган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат биносини барпо этишга қаратилган ислоҳотлар, уларнинг муҳим омили — мамлакат фуқаролари дунёқарашидаги ўзгаришлар, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари, маърузалари, нутқлари ва бошқа чиқишларида изчил баён этилган. Мазкур масалаларни биз учун ўта долзарб муаммоларга айлантирган яна бир ҳолат бор. У ҳам бўлса, биз мустақилликка, жамиятни маънавий инқироз қамраб олган, бой маданий меросимиз, урф-одатларимиз, азалий қадриятларимиз, жумладан, она тилимиз топталган, динимиз оёқ ости қилинган бир пайтда эришганлигимиздир.

Демак, Ўзбекистоннинг бугунги шароитида амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизнинг имкониятларини чуқур англашдан келиб чиқиб, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга қаратилган амалий саъи-ҳаракатларнинг маънавий-руҳий, ғоявий ифодасидир. Уларнинг рўёбга чиқишлари натижасида юз берадиган ўзгаришлар маънавиятимизнинг янада юксакликка парвоз қилиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Бундай жараён, моҳиятан узлуксиз ва инсоният мавжуд экан, шундайлигича қолади. Маънавият ҳаётимизда қанчалик жиддий аҳамият касб этмасин, уни биз қанчалик фаол тарғиб қилмайлик, барибир, одамлар фақат унинг ўзи билангина юксак ақл-заковатли, ижодий тафаккур соҳиби бўлиб қолмайдилар. Бутун инсоният тарихи шундан ёрқин далолат бермоқда. Қадимий даврлардан бошлаб қанчадан-қанча доно фикрлар, қимматли таълимотлар яратилган бўлишига қарамай, улар ҳанузгача тўла-тўкис рўёбга чиқолмаётирлар.

Бизнинг воқелигимиз хусусида айтадиган бўлсак, у ҳолда, шуни алоҳида эътиборга олмоқ зарур: кишилар фақиятли равишда олга силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир".

Бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятни фақат юксак маънавият ҳамда ватанпарварлик негизларида қилинадиган ҳаракатлар орқали барпо этиш мумкин. Бундай жамиятга халқимизнинг тарихий анъаналари ва ақл-заковати мос бўлиб тушади ҳамда ёш авлодни ҳур ва демократик Ўзбекистонга муносиб кишилар қилиб вояга етказиш маънавият соҳасидаги фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолаверади.

Шу боис ҳам бизнинг жамиятимиз ўз келажагини фақат фуқаролар онгида мустақил ришта отган юксак маънавий қадриятлар орқалигина тасаввур қилмоқда.

Маънавиятнинг ҳар бир кўриниши, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини фақат фалсафий таҳлил кучига таяниш асосидагина тўла аниқлаш мумкин. Бунинг учун янгидан-янги маънавий парвозлар, руҳиятнинг тинимсиз меҳнати зарур. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги халқимизнинг маънавий қудратига, миллий онгнинг ижодий яратувчилик кучига боғлиқ. Мазкур келажакни барпо этиш ишига эса чинакам инсоний жамиятда яшашни истаган ҳар бир фуқаро ҳисса қўшмоғи зарур.

Дўстмурод НОРҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори,
Ш.АБДУҚОСИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди

Энди кутубхона анчайин бойийдиган бўлди, бу ҳар ҳолда ижобий томонга силжиш борлигини билдиради. Аммо мазкур ишларни ўтган йил охирида ҳам амалга ошириш мумкин эди-ку.

Ана шундай олий мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон Давлат санъат музейининг алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

МАЪЛУМОТ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Россия Федерацияси ҳукумати Ўзбекистон Республикаси учун ўз таълим муассасаларига 2002-2003 ўқув йилида бакалавриат босқичига 25 та, аспирантура, докторантурада ўқиш ва илмий стажировка мақсадлари учун 10 та жойга танлов эълон қилади.

Ушбу танловда қатнашиш истагини билдирган абитуриентлар, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар ўз ҳужжатларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташқи алоқалар бош бошқармасига шу йилнинг 1 майигача топширишларини сўраймиз.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган ҳар бир номзод қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

— номзод ҳақида асосий маълумотлар акс эттирилган анкета (вазирликда тўлдирилади);

— маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг ўзбек, рус тилларидаги нотариал тасдиқланган нусхаси;

— махсус тиббиёт органлари томонидан ВИЧ ва ОИТС касалликлари йўқлиги тасдиқланган рус тилидаги тиббиёт маълумотномаси;

— миллий паспортнинг асосий маълумотлари акс эттирилган бетлари нусхаси;

— аспирантурада ўқиш истагини билдирган номзодлар учун олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, чоп этилган ишлари рўйхати, тадқиқот ўтказмоқчи бўлаётган мавзунинг қисқача реферати (2 бетгача) ҳамда ОТМнинг йўлланмаси;

— 3х4 ҳажмдаги 6 дона сурат.

Россия таълим вазирлиги қабулни фақат ўз тасарруфидаги олий ўқув юртлари доирасида амалга оширади. Москва Давлат университети, Москва Давлат халқаро алоқалар институти ва шунингдек, маданият ва санъат йўналишлари, юриспруденция, халқаро алоқалар ва тиббиёт йўналишлари бўйича ҳужжатлар қабул қилиш кўзда тутилмаган.

Аспирантурада ўқиш истагини билдирган номзодлар юқорида тақдим этилган ҳужжатлари барча босқичлардан ўтгандан кейин, ОТМда кириш имтиҳонларини топширишади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6, инд. 700078. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ташқи алоқалар бош бошқармаси. Тел.: 139—10—02, 139—12—71.

ЭКОЛОГИЯ: ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

Маълумки, яшаш жойларининг табиий шарт-шароитлари, тупроғи, ҳавоси, иқлими ва бошқа кўрсаткичлари мавжудотларнинг ҳаёти учун зарур бўлган экологик омиллардир.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай омиллар ҳам бир-бирига боғлиқликда намоён бўлади. Уларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳар қандай мавжудот турининг биологик талабларига тўла жавоб бергандагина ҳаёт маълум маромда давом этади. Акс ҳолда турли талафотлар рўй беради. Шунинг учун экологик омилларнинг мазмун-моҳиятини ҳамда у ёки бу биологик турдаги мавжудотга таъсир доирасини чуқур англаб етишимиз зарур.

Организмларнинг табиий шароитда бир маромда ривожланиши учун ҳаво, сув, ёруғлик, иссиқлик, озиқ моддалар каби бир қанча экологик омиллар бўлиши керак. Уларнинг тирик мавжудот учун аҳамияти бир хил, яъни уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди, бири иккинчисининг ўрнини тўлдира олмайди. Энг оддий мисол: сувнинг ўрнини ҳаво, озиқ моддаларнинг ўрнини иссиқлик энергияси ва ҳоказо боса олмайди, лекин уларнинг мавжудот турига қараб ҳам маълум маънода таъсири бўлади.

Сўнгги вақтларда антропоген(техноген) омилларнинг атроф-муҳитга кўрсатган таъсири ниҳоятда кескин бўлди, десак хато бўлмайди. Одамларнинг табиатга таъсири онгли ва онгсиз бўлиши мумкин. Масалан, ўсимлик ҳамда уй ҳайвонларининг янги нав ва наслини яхшилаш бу онгли таъсир.

Ўрмонзорлар барпо этиш, тупроқ эррозиясига қарши кураш кабилар ҳам инсонларнинг онгли таъсири ҳисобланади. Лекин ана шундай ва бошқа хил фаолиятлари оқибатида сув ҳавзаларининг қуриши, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг шўрланиб ишдан чиқиши турли хил оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ёшларни инсоннинг табиатга таъсири қандай салбий оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билишга ўргатиш доимо зарур ҳисобланади.

Афсуски, экологик омиллар сифат ва миқдор кўрсаткичларининг ўзгариши натижасида табиатда мавжуд бўлган уйғунлик ва мувозанат бузилиб бормоқда. Бунга хусусан кейинги пайтда содир бўлган кўплаб экологик муаммолар ашёвий далилдир. Жумладан, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг дунё миқёсида сув остида қолиб кетиши, ҳайвонлар орасида касалликларнинг кенг тарқалишини кўрсатиб ўтса бўлади. Хусусан, Британия ороллари ҳайвонларнинг йирик талофоти ва унинг Европада ҳам тарқалиши катта офатдир. Бу каби мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Булар ҳозирги кунда заминимизда экологик танглик зўрайганлигининг яққол исботидир. Юқоридагилардан келиб чиқадиган бирдан-бир хулоса шуки, барча таълим босқичларида ёшларга экологик билим беришни кучайтирмоқ керак. Бунинг учун тегишли дастур ва режалар асосида экология асосларидан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилиб, ўқувчи-ёшларнинг экологик онг ва тафаккурларини шакллантириш зарур. Бу вазифани ҳал этиш янги давр фани — экологиядан улкан масъулият талаб этади.

С.ПОЗИЛОВА,
"БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуаси, экология таълими лабораториясининг катта илмий ходими,
М.ЖАББОРОВ,
услубий бўлим бошлиғи

ҮТМИШДАН СҮЗЛОВЧИ ДАРҒОҲ

Сўнгги йилларда республикамизда музейлар фаолияти жонланмоқда. Айниқса Президентимизнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш ҳақида"ги Фармони соҳанинг янада ривожланишига сабаб бўлди. Зеро, музейлар халқимиз тарихини ва мустақиллик давридаги ютуқларимизни дунёга танитишда катта маънавият ўчоғи ҳисобланади. Бундан ташқари, ёш авлодни миллий ғурурни сезишга ва юртга садоқатли бўлишга ундайди. Ана шундай олий мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон Давлат санъат музейининг алоҳида ўрни бор.

Биз музейга ташриф буюрган чоғимизда ажнабий тилда суҳбатлашаётган икки кишига кўзимиз тушди. Ва улардан таассуротлари ҳақида сурадик.

— Мен Кирт Рооб Германиядан саёҳатга келганман, — дея ўзини таништирди улардан бири. — Рус ва Ғарбий Европа санъатига тегишли асарлардан энг қадимгиларининг бу ерда сақланиши ҳамда Шарқ халқлари асарларининг ноёб намуналарининг мавжудлиги менда катта таассурот қолдирди. Жумладан, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бирма санъат намуналарини алоҳида айтиш мумкин.

Ҳозирги кунда ушбу даргоҳ хазинасида 50 мингга яқин бебаҳо асарлар бўлиб, жумладан, энг қадимги археология ёдгорликлари, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлиги, сопол идишлар, халқ каштачилиги, зардўзлик, мусиқа асбоблари, ҳайкалтарошлик асарлари ўрин олган экан.

Музейни кузатиб чиқар эканмиз, Кушон ва Варахша маданиятига, Европа Уйғониш даврига мансуб асарлар, кейинги минг йилликдан тортиб то ҳозирги давргача бўлган меросимизни қамраб олувчи манбалар, яъни бир сўз билан айтганда, бутун дунё халқларига мансуб тарихий дурдоналар жамланганига гувоҳ бўлдик.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ИЗЛАНИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЗАРУР

Жорий йилнинг дастлабки ойларида Бешариқ тумани марказидаги кутубхонада айрим нохуш муаммолар пайдо бўла бошлаганди. Масалан, ўқув залига ташриф буюрган ўқувчилар "Маърифат", "Халқ сўзи", "Қишлоқ ҳаёти" каби газеталар билан танишолмай қолдилар. Боиси — кутубхона маблағ йўқлиги важидан ана шу нашрларга ўз вақтида обуна бўла олмади. Шунингдек, адабиёт бўлими жавонларида ҳам янги номда чиққан китоблар кўринмайди. Борларининг кўпи ҳам маънавий эскирган ва аллақачон ёпиқ кутубхонага киритиб юборилган. Ниҳоят ушбу муаммолар туманда чиқадиган "Бешариқ тонги" газетасида ҳам танқид остига олингач, туман маданият ишлари бўлими кенгаши масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, имкониятлар қидириб топди. Газеталар обунаси учун дарҳол 500 минг сўм пул ўтказилди ва у ўқувчилар ўтган март ойидан барча газеталарни ўқиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, кутубхонани янги адабиётлар билан таъминлаш, янги китоблар сотиб олиш учун яна 880 минг сўм маблағ ажратиш режалаштирилди.

Энди кутубхона анчайин бойийдиган бўлди, бу ҳар ҳолда ижобий томонга силжиш борлигини билдиради. Аммо мазкур ишларни ўтган йил охирида ҳам амалга ошириш мумкин эди-ку. Соҳага алоқадор ходимлар, мутасаддиларнинг етарлича имконият ахтармаганликлари туфайли матбуот турларини олиш тартибида қарийб икки ой узилиш бўлди. Бу бўшлиқни ким ва нима билан тўлдиради?

Кутубхонага 1 млн. 300 минг сўмдан ортиқроқ маблағ эвазига вақтли нашрлар, адабиётлар келтирилиши эзгу иш, албатта. Аммо 158 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган тумандаги каттакон кутубхонани бойитиш учун бу маблағнинг камлиги аниқ. Шунингдек, тумандаги бошқа кутубхоналарни ҳам адабиётлар билан нафақат таъминлаш, балки замонга мослаш, ривожлантириш учун ҳам маблағ керак бўлади. Демак, тумандаги кутубхона ишларига масъул кишилар бу соҳада изланишларни давом эттиришлари зарур.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ЯРАТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА 2002 ЙИЛДА ЯРАТИЛАЁТГАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ РЎЙХАТИ

№	Муаллифнинг, ф.и.ш.,лавозими		Дарслик ва ўқув қўлланма номи
	Ўзбекистон Миллий Университети		
1.	Ш.Раҳматуллаев	профессор	"Ўзбек тилининг этомологик луғати"
2.	Ў.Мусаев	профессор	"Полимерлар кимёсидан практикум"
3.	М.Арипов	профессор	"Информатика ва ҳисоблаш техникаси"
4.	А.Нармонов	профессор	"Дифференциал геометрия"
5.	П.Ҳошимов	доцент	"Иқтисодиёт назарияси"
6.	Ғ.Насриддинов	профессор	"Иқтисодчилар учун математика"
7.	С.Солиқов	профессор	"Янги ўзбек адабиёти" (магистратура учун)
8.	В.Генштке	профессор	"История Узбекистана"
9.	Э.Ғозиев	профессор	"Умумий психология"
10.	Қ.Холмўминов	доцент	"Давлат ва ҳуқуқ назарияси"
11.	Ф.Ҳикматов	доцент	"Кўлшунослик"
12.	К.Алматов	профессор	"Одам ва ҳайвонлар физиологияси"
13.	Э.Қодиров	профессор	"Одам анатомияси"
14.	Д.Толипов	доцент	"Радиоэлектроника асослари"
	Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети		
15.	Э.Соатжонов Н.Убаров	доцент доцент	"Француз тили" дарслик
16.	О.Мўминов	доцент	"Таржима назарияси"
17.	М.Ирискулов	доцент	"Умумий тилшунослик"
18.	М.Дадахўжаева	доцент	"Немис тили" Олий таълимнинг бошланғич курслари учун дарслик
	Андижон Давлат Тиллар Педагогика Институти		
19.	К.Жўраев	профессор	"Навоий поэтикаси" таржима сабоқлари
	Тошкент Тўқимачилик Енгил Саноат Институти		
20.	У.Мақсудова	доцент	"Пойабзал материалларини меъёрлаштириш"
21.	Х.Алимова	профессор	"Ипакни эшиш"
22.	М.Муқимов	профессор	"Трикотаж ишлаб чиқариш технологияси"
23.	Г.Хасанбоев	доцент	"Костюм тарихи"
	Тошкент Архитектура Қурилиш Институти		
24.	Х.Икромова	профессор	"Internet" халқаро компьютер тармоғи
25.	С.Тошпўлатов	доцент	"Амалий геодезия"
26.	А.Сиддиқов	профессор	"Алгоритмлаш ва программалаш асослари"
27.	Ю.Рашидов	доцент	"Табиий ва сунъий газлар"
28.	У.Зокиров	доцент	"Сув таъминоти ва канализация системаларини йиғиш"
29.	Н.Бозорбоев	доцент	"Гишт ва тош териш ишлари технологияси"
	Тошкент Давлат Авиация Институти		
30.	Н.Ортиқов А.Обидов	профессор доцент	"Учиш аппаратларининг эксплуатацияси назарияси асослари"
	Тошкент Давлат Техника Университети		
31.	Ғ.Ёрматов	доцент	"Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги"
32.	Т.Азимов	доцент	"Чизма геометрия"
33.	Ш.Тожиев	доцент	"Аналитик геометрия ва чизиқли алгебра"
34.	Ш.Камолхўжаев	доцент	"Механика ва молекуляр физикадан"
35.	А.Ҳамидов	профессор	"Ем-хашак донли экинларни йиғиш ва чорвачилик машиналари"
36.	А.Абдурахимов	доцент	"Суюқлантириб пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари"
37.	У.Иброҳимов		"Электрмашиналари"
38.	С.Махаматхўжаев	катта ўқитувчи	"Материалларни босим билан ишлаш усуллари ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари"
39.	Х.Мақсудова	доцент	"Немис тили"
40.	Раҳимжонов	доцент	"Ёқилғи ва ёниш асослари"
41.	О.Хошимов	профессор	"Электротехник тизим ва комплексларнинг аудити"
	Фарғона Политехника Институти		
42.	Н.Арипов	доцент	"Автоматлаштирилган электр юритма"
43.	Э.Умрзоқов	доцент	"Бино ва иншоотларни тиклаш технологияси"
44.	О.Қўлдошев	доцент	"Жараён ва тизимларни моделлаштириш"
45.	Н.Уразов	профессор	"Моделирование технологических процессов и систем"
46.	Р.Тожиев	профессор	"Материалларни технологик транспортловчи машина ва жиҳозлар"
47.	Т.Жабборов	доцент	"Электр энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш"
48.	Ю.Шокирова	катта ўқитувчи	"Бизнес ва тадбиркорлик"
49.	Х.Аҳмаджонов	доцент	"Триботехника"
50.	М.Акбарова	доцент	"Кимёвий тенгламаларни тузиш"
51.	Э.Мадалиев	доцент	"Иссиқлик техникаси"
52.	Н.Камолов	доцент	"Электр юритма"
53.	К.Амонов	доцент	"Биомеханика"
	Урганч Давлат Университети		
54.	А.Юсупов	профессор	"Қаттиқ жисмлар физикаси"
55.	Ф.Ражабов	доцент	"Математика"
56.	С.Машарипов	доцент	"Олий математика"
57.	Х.Бобожонов	профессор	"Авесто — бебаҳо манба"
	Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти		
58.	А.Алимов	доцент	"Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти асослари"
59.	А.Ҳабибуллаев	доцент	"Адабий манбашунослик ва матншунослик"
60.	О.Мусаев	катта ўқитувчи,	"Араб тили лексикологиясига кириш"
61	А.Маннопов		"Афғонистон халқаро фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи"
	Тошкент Автомобиль Йўллари Институти		
62.	О.Лебедев	академик	"Трибология асослари"
63.	С.Салимов	профессор	"Маркетинг назарияси"
64.	А.Қодирова	профессор	"Проектирование автомобильной дороги"
65.	Р.Махмудов	доцент	"Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари"
	Қарши Муҳандислик Иқтисодиёт Институти		
66.	М.Нормуродов	профессор	"Физикадан маълумотнома"
67.	Ш.Муродов	доцент	"Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш"
68.	Т.Дўстмуродов	доцент	"Умумий ва органик кимё: мисол ва масалалар"
69.	О.Раҳимов	доцент	
70.	Б.Холбоев	доцент	"Умумий экология"
	Бухоро Давлат Университети		
71.	С.Саидов	доцент	"Немисча-ўзбекча сўзлашув"
72.	С.Қаҳҳоров	доцент	"Электротехника ва радиоэлектроника асосларидан лаборатория ишлари"
73.	М.Бозоров	доцент	"Немисча-ўзбекча сўзлашув"
74.	О.Ёриев	профессор	"Полимерлар физикаси ва кимёси"
75.	Р.Шоймардонов	профессор	"Органик кимё"
76.	С.Бўриев	профессор	"Ботаникага кириш"
77.	Т.Жўраев	доцент	"Умумий физикадан лаборатория иши тўплами"
	Жиззах Политехника Институти		
78.	Р.Анваров	доцент	"Чизиқли алгебра ва аналитик геометрия элементлари"
79.	А.Жонизоқов	доцент	"Чизма шрифтлари"
80.	Б.Бобоназаров	доцент	"Эҳтимоллар назарияси"
	Тошкент Давлат Педагогика Университети		
81.	Б.Тўхлиев	профессор	"Адабиёт ўқитиш методикаси"
82.	С.Булатов	профессор	"Ганчкорлик"
83.	С.Юлдашбеков	профессор	"Механизм ва машиналар назарияси"
84.	А.Бойдадаев	профессор	"Классик ва квант физикаси"
85.	М.Жалилов	профессор	"Вокал синфи"
86.	А.Исабоев	профессор	"Қозоқ тилини ўқитиш методикаси"
87.	Г.Пак	ўқитувчи	"Азбука в картинках"
88.	Р.Рамазонова	доцент	"Тиббиёт билимлари асослари"
89.	Қ.Мусаев	профессор	"Инглиз тили амалий грамматикаси"
90.	В.Рахмонова	профессор	"Она тили ўқитиш методикаси"
	Самарқанд Давлат Архитектура қурилиш Институти		
91.	Қ.Рўзиев В.Усмонов С.Аслиев	профессор доцент доцент	"Қурилиш конструкциялари"
	Самарқанд Давлат Университети		
92.	М.Исроилов	профессор	"Ҳисоблаш методлари"
93.	М.Икромов	профессор	"Ботаника"
	Наманган Муҳандислик Педагогика Институти		
94.	К.Ғофуров	профессор	"Кимёвий технологиянинг назарий асослари"
95.	Н.Дадахонов	доцент	"Электр газ пайвандлаш технологияси"
96.	О.Нозимов	доцент	"Қишлоқ хўжалигида менежмент"
97.	З.Бузруков	доцент	"Замин ва пойдеворлар ҳисоби"
98.	А.Полвонов	доцент	"Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар"
	Андижон Муҳандислик Иқтисодиёт Институти		
99.	Қ.Йўлдошев	профессор	"Шарқ иқтисодий таълимотлари тарихи"
100.	И.Қаюмов	доцент	"Бухгалтерия ҳисоби"
101.	А.Сотволдиев	профессор	"Иқтисодиёт илми асослари"
102.	А.Абдуллаев	профессор	"Бизнесни бошқариш сирлари"
	Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети		
103.	Б.Бегалов	профессор	"Ахборот тизимлари ва технологиялар"
104.	Б.Салимов	профессор	"Макроиқтисодиёт"
105.	И.Бутиков	профессор	"Қимматли қоғозлар бозори"
106.	Ш.Зайнутдинов	профессор	Менежмент асослари
107.	А.Раззоқов	профессор	"Иқтисодий таълимот"
108.	К.Абдурахмонов	профессор	"Меҳнат иқтисоди ва социологияси"
109.	К.Абиркулов	профессор	"Иқтисодий география"
110.	Р.Алимов	профессор	"Ахборот коммуникациялар бозори, шаклланиши, тенденциялари, эконометрик моделлаштириш ва ривожланиш"
111.	К.Ҳамдамов	профессор	"Микроиқтисодиёт"
112.	М.Юсупов	доцент	"Маркетинг"
	Гулистон Давлат Университети		
113.	Р.Хасанов	доцент	"Амалий безак санъати машғулотлари методикаси"
114.	М.Нурназаров	доцент	"Мировая экономика и международные экономические отношение"
115.	Г.Гаимназаров	доцент	"Функционал анализ курсидан масалалар ечиш"
116.	Н.Мамадиёров	доцент	"Физика ўқитиш методикаси"
117.	Т.Зиёдова	доцент	"Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш"
	Бухоро Озиқ-Овқат ва Енгил Саноат Технологияси Институти		
118.	О. Хамроқулов	доцент	"Маркетинг "
119.	Н.Бибутов	доцент	"Материаллар қаршилиги асослари"
120.	Қ.Олимов	доцент	"Тикувчилик корхоналари жиҳозлари"
121.	Р.Хаитов	доцент	"Дон ва дон маҳсулотлари сифатини баҳолаш ва назорат қилиш"
122.	А.Низомов	доцент	"Макроиқтисодиёт"
123.	С.Мусаев	доцент	"Чарм буюмлар технологияси"
124.	Н.Авлиёқулов	профессор	"Замонавий ўқитиш технологияси"
125.	Х.Рўзиев	доцент	"Биноларнинг муҳандислик тармоқлари"
	Тошкент Молия Институти		
126.	М.Хамраев Х.Шодиев	профессор доцент	"Молия статистикаси"
	Термиз Давлат Университети		
127.	Қ.Жумаев	доцент	"Юксак ўсимликлар"
128.	К.Эшназаров	доцент	"Цитология"
129.	Б.Умуркулов	доцент	"Ҳозирги ўзбек адабий тили"
	Андижон Давлат Университети		
130.	А.Тешабаев	профессор	"Ярим ўтказгич асбоблар физикаси"
	Қарши Давлат Университети		
131.	Ш.Қурбонов	доцент	"Жисмоний машқларнинг физиологик асослари"
	Наманган Давлат Университети		
132.	А.Цой	доцент	"Маданиятшунисликка кириш"
133.	А.Расулов	доцент	"Туркистон — Россия муносабатлари"
134.	А.Лазизов	доцент	"Тарихий хронология"
135.	Ш.Тожибоев	доцент	"Ботаника"
	Тошкент Кимё Технология Институти		
136.	Қ.Ахмеров	профессор	"Умумий ва ноорганик кимё"
137.	Т.Отақўзиев	профессор	"Боғловчи моддалар кимёвий технологияси"
138.	Н.Габрилян	доцент	"Кимё саноати корхоналари иқтисодиёти"
139.	Ш.Хакимова	доцент	"Шаробчилик микробиологияси"
140.	С.Абдураззоқова	профессор	"Пиво ва солод микробиологияси"
141.	Ш.Нуруллаев	доцент	"Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси"
	Самарқанд Кооператив Институти		
142.	И.Маматов	доцент	"Совитиш техникаси асослари"
143.	М.Пардаев	доцент	"Иқтисодий таҳлил назарияси"
	Фарғона Давлат Университети		
144.	А.Абдуллаев	доцент	"Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси"
145.	М.Абдуллаев	доцент	"Ўрта Осиё табиий географияси"

Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига буюртмалар тегишли Олий таълим муассасаларига юборилиши мумкин.

ЯҚИН КУНЛАРДА ҚЎШИНЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон Си-эн-эн телекомпаниясига интервью бериб, илк бора ўз қўшинларининг Мухторият ҳудудларидан олиб чиқилиши ҳақидаги муддатни маълум қилди.

Унинг айтишича, Исроил армияси Наблус ва Женин шаҳарларидан бир неча кун мобайнида чиқиб кетади. Бош вазирнинг фикрича, Вифлеем ва Рамаллоҳ шаҳарларидаги қўшинлар қачонки "фаластинлик террорчилар" Исроил судига топширилган тақдирдагина олиб кетиладилар.

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида эса ФАТХ ҳаракатининг раҳбари Марван Баргути ҳибсга олинган.

ИРОҚҚА ҲУЖУМ УЮШТИРИЛДИ

"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Американинг қирувчи-бомбардимончи самолётлари Ироқ жанубидаги Ракета ҳужумидан мудофаа объектларини ўққа тутганлар.

АҚШ ҳаво кучлари марказий қўмондонлигининг маълумотига кўра, ҳужумлар Бағдоддан 225 км. жанубда жойлашган Таллил шаҳри ҳудудларида амалга оширилган. Бу ҳаво ҳужуми 21 январдан буён биринчи марта амалга оширилган бўлиб, АҚШ ва Буюк Британия самолётлари Ироқнинг маълум ҳаво ҳудудларида патрул хизматини олиб боришмоқда. Шунингдек, Қўшма Штатларнинг Саддам Ҳусайн ҳукуматига қарши кенг кўламли операциялар ўтказиш режаси ҳам йўқ эмас.

"АЛ-ЖАЗИРА" ЭРТАГА МАХСУС КЎРСАТУВ БЕРАДИ

Қатар давлатининг "Ал-Жазира" телеканали ўтган йили 11 сентябр фожеасида самолётларни қўлга олишда иштирок этган жангарилардан бирининг тақдири туширилган видеотасмани намойиш этди.

"Ал-Жазира" маълумотларига кўра, ушбу жангарининг исми Аҳмад ал-Хамди бўлиб, улар эгаллаган самолёт Пенсильвания штатида қулаб тушган эди. Унинг гаплари ёзилган видеотасма тўлалигича эртага мазкур телеканал томонидан намойиш этилади. АҚШ ҳукумати эса уни 11 сентябрдаги террор актини амалга оширган 19 нафар камикадзедан бири дея ҳисоблайди.

"БОИНГ-767" ҲАЛОКАТИ

Хитойнинг йўловчи ташувчи "Боинг-767" русумли самолёти Жанубий Кореяда ҳалокатга учради.

"Air China" авиакомпаниясига қарашли мазкур авиалайнер Пекин-Пусан йўналиши бўйича парвоз қилган бўлиб, ўз манзилига яқинлашаётган вақтида қалин туман ва ёмғир туфайли аэропорт атрофидаги аҳоли пунктига қулаб тушди.

Аэробус бортида 166 нафар киши кетаётган бўлиб, ҳалок бўлганларнинг аксарияти Жанубий Корея фуқароларидир. Ҳозирда олиб борилаётган қутқарув ишлари вақтида самолётнинг қора қутиларидан бири топилган. Шунингдек, унинг қулаши вақтида аҳоли пунктидагилардан ҳеч ким жабр кўрмаган.

ЁЛҒОН МАЪЛУМОТ

13 ёшли боланинг телефон орқали Вашингтондаги миллий банкларнинг бирига бомба ўрнатилганлиги ҳақида хабар берганидан сўнг, бинодаги барча кишилар эвакуация қилиниб, банк ёпиб қўйилди. Шундан сўнг тезкор ҳаракат қилган Федерал Тергов Бюроси мазкур шаҳс Голландиядан қўнғироқ қилганлигини текшириб, уни ҳибсга олди.

Ёлғон маълумот берган бола роппа-роса тушлик вақтида бомба портлашини айтгач, у маълум қилган вақтда ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса юз бермади. Голландия ҳукуматининг билдиришича, бола ҳазил тариқасида шу ишга қўл урган.

"АЛ-ҚОИДА"ДА ЖИДДИЙ ЙЎҚОТИШ

Испания ҳукумати келиб чиқиши жазоирлик бўлган Аҳмад Брахимини ҳибсга олди. Ҳукуматнинг билдиришича, 57 ёшли Брахими "Ал-Қоида" ташкилотининг Испаниядаги молиявий раҳбари ҳисобланади.



Унга 1998 йилнинг август ойида Кения ва Танзаниядаги АҚШ элчихоналарида амалга оширилган террор актларининг режасини ишлаб чиқиш айби қўйилмоқда. Ўша машъум воқеалар туфайли 250 нафарга яқин киши ҳалок бўлган эди.

Ички ишлар вазирининг айтишича, у Барселонадаги уйида қўлга олинган бўлиб, бу операция 7 ойга чўзилди. Брахимининг ушланиши "Ал-Қоида"нинг молиявий жиҳатига кучли зарба ҳисобланади.

"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди

ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ

Конимех туман халқ таълими бўлими таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилишга катта аҳамият қаратмоқда. Айниқса, тумандаги 9 та болалар боғчасининг 6 таси халқ таълими бўлимига қарашли бўлиб, 604 нафар мурғак қалбли болажонларни бахтли келажаги учун 42 нафар тарбиячилар астойдил хизмат қилмоқдалар.

"Оқбўта" боғчасида 70 нафар болажонлар тарбияланмоқда. Ушбу маскан жамоасининг вилоят миқёсида жорий йилда ўтказилган "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловида 2-ўринни эгаллаганлиги боғчада олиб борилаётган маънавий ва маърифий ишлар натижасидир.

Шунингдек, "Бўлдиршун" боғчасида тарбияланаётган кичкинтойларнинг ҳам қувончи чексиз бўлиб, улар 2002 йилда вилоят миқёсида ўтказилган "Соғломжон ва полвонжон" кўрик-танловида 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, "Олтин калит", "Ғунча" мактабгача таълим муассасаларида ҳам тарбиявий, маънавий-маърифий, ноанъанавий машғулотлар яхши ташкил этилганлиги тарбияланаётганларнинг келажакда баркамол бўлишларига замин яратади.

— Мактабгача таълим муассасаларида тарбия топаётган фарзандларимизнинг бугун зукко ва билимдон бўлишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Д.Есмаханов.

Ўткир ПЎЛАТ

ВАТАННИНГ БЎЛҒУСИ ПОСБОНЛАРИ

Асака туманидаги бошланғич ҳарбий-спорт лицей-интернатида "Бошланғич ҳарбий-спорт" лицей-интернатлари ўқувчилари онгига "миллий истиқлол ғояларини сингдиришда амалга оширилаётган ишларнинг мазмуни ва моҳияти" мавзусида республика семинар-кенгаши ўтказилди.

Семинар-кенгашда вилоятлардан келган бошланғич ҳарбий-спорт лицей-интернатлари директорлари, туман ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари вакиллари ва Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари ушбу маскандаги дарслар ва амалий машғулотларни кузатдилар. "Мен Ватаним равнақи учун нима қилдим" мавзусидаги машғулотлар анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Халқ таълими вазирлиги ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Т.Муҳиддинов ўқувчиларни бошланғич ҳарбий ва ҳуқуқий касбларга йўналтирувчи республика лицейлари ҳамда Андижон вилояти бошланғич ҳарбий-спорт лицей-интернатида олиб борилаётган ишлар ва навбатдаги вазифалар ҳақида, мазкур лицей-интернат раҳбари Х.Ишонов Андижон бошланғич ҳарбий-спорт лицей-интернатида ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилдилар.

О.СИДДИҚОВ,

БИР УМРЛИК ЙЎЛДОШ

Тилшунослар томонидан тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги эътироф этилади. Яъни бундан тил жамият билан, жамият эса тил билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради, деган хулоса келиб чиқади. "Тил фақат жамиятда — одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий қуролдир" ёхуд "Тил алоқа воситаси" каби фикрларга кўпгина илмий адабиётларда дуч келамиз. Ҳақиқатан ҳам тилнинг тақдири — унинг яшаши, ривожланиши фақат шу тилда сўзлашувчи жамиятга боғлиқдир. Шундай экан, кун сайин ўзгариб, ривожланиб бораётган давримизнинг маҳсули — янгидан пайдо бўлаётган сўзлар, атамалар жамиятимиз луғат бойлигидан қай даражада ўрин олаяпти?

Истиқлолга қадар Шўро мафкураси тилимизга ҳам ўз зуғумини ўтказмасдан қолмади. Натижада луғатимизда рус тилининг таъсири яққол сезилиб қолди. Тилимизда мавжуд бўлган сўзлар ўрнига аста-секин рус тилига мансуб сўзлар эгаллай бошлади.

"Давлат тили тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ва кейинроқ мустақил давлат бўлишимиз билан яна миллий тилимизни тиклашга катта имконият туғилганлигини алоҳида эътиборга олиш зарур.

Шунинг билан тилимиздаги айрим рус тилига мансуб сўзлар ўрнини миллий тилимизга хос сўзлар эгаллай бошлади. Масалан, группа, текст, студент, классик, солдат, пенсия, доклад, процент, секретарь, музика, план, норма, аптека, состав, комитет, станок, стадион каби сўзларни ўзбек тилига мансуб гуруҳ, матн, талаба, мумтоз, аскар, нафақа, маъруза, фоиз, котиб, мусиқа, режа, меъёр, дорихона, таркиб, қўмита, дастгоҳ, ўйингоҳ каби сўзлар астасекин сиқиб чиқара бошлади.

Шунингдек, бухгалтер — ҳисобчи, врач — шифокор, редактор — муҳаррир, офицер — зобит, психолог — руҳшунос, министр — вазир, судья — ҳакам каби соҳага оид атамалар, химия — кимё, география — жўғрофия, философия — фалсафа, социология — жамиятшунослик сингари фан номлари, Германия — Олмония, Греция — Юнонистон, Монголия — Мўғулистон каби бир қатор давлат номлари ҳамда бошқа сўзлар ҳам шулар жумласига киради.

Аммо илмий адабиётларда таъкидланганидек, кўпчилик тиллар томонидан қабул қилинган байналминал атамалар ўрнига миллий-адабий тилдан унинг ўрнини босувчи сўзни ахтариш ёхуд сунъий яратиш мақсадга мувофиқ эмас.

Университетнинг дорилфунун, институтнинг олийгоҳ, аэропортнинг тайёрагоҳ, самолётнинг тайёра ёки учоқ, факультетнинг куллиёт, партиянинг фирқа, газетанинг рўзнома, журналнинг жарида деб муқобил сўзлар билан алмаштирилиши жамиятимиз томонидан қабул қилинмади. Шу боис, бу сўзлар ёзма ва оғзаки нутқимизда деярли кам учрайди. Бундан юқоридаги фикр ўзининг амалий тасдиғини топади.

Сўз одамнинг бешикдан то тобутга қадар йўлдошидир, деган нақлни ҳаммамиз эшитганмиз. Демак, ҳар бир инсон ва жамият ўзига муносиб йўлдошни ўзи танлайди.

Нодира ЮСУПОВА,
ТДПУ магистранти

ЧЕМПИОНАТ ЎТКАЗИЛАДИГАН ШАҲАРЛАР

2006 йил Германияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида қайси шаҳар стадионларидан фойдаланилиши маълум бўлди. 15 та талабгор шаҳарлардан Берлин, Нюренбург, Гамбург, Лейпциг, Кельн, Штутгарт, Дортмунд, Гельзенкирхен, Мюнхен, Кайзерслаутерт, Ганновер ҳамда Франкфурт танлаб олинди. ФИФА талаблари даражасида кўриб чиқилгач Бремен, Менхенгладбах ва Дюссельдорф шаҳарлари стадионларининг томошабинларни қабул қилиш имкони камлиги учун уларнинг таклифлари рад этилди. Бўлғуси жаҳон чемпионатининг очилиш маросими 2006 йил 9 июнь куни Мюнхенда ўтказилади. 9 июль куни эса Берлинда финал ўйини бўлади.

ШУМАХЕРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Сан-Маринода ўтказилган "Формула-1" автопойгасининг 4-босқичида "Ferrari" ҳайдовчиси Михаил Шумахер биринчи бўлиб финишга етиб келди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Рубенс Барикелло ва Ральф Шумахерга насиб этди. Тўрт карра жаҳон чемпиони Михаил Шумахер жорий йилда ўтказилган тўртта мусобақанинг учтасида муваффақиятга эришди.

Бунга ҳавас қиласан, киши.

САФИН КУЧЛИ УЧЛИКДАН ЎРИН ОЛДИ

АТР бўйича профессионал теннисчиларнинг янги рейтинги эълон қилинди, дея хабар беради "Спорт. Ру".

Россиялик ракетка устаси Марат Сафин ўтган ҳафта "Estoril Open" турнириданги муваффақиятидан сўнг, ушбу рўйхатда учинчи ўринни эгаллади. Биринчи поғонани швециялик Томас Юханссон банд этган бўлса, иккинчи ўрин Буюк Британия вакили Тим Хенманга насиб этди.

СПОРТ УСТАСИ ТАЛАБИ БАЖАРИЛДИ



Самарқанд Давлат университетининг жисмоний тарбия факультети 2-курс талабаси, вилоят спорт қўмитаси қошидаги олий маҳоратли спортчилар тайёрлаш спорт мактаби тарбияланувчиси, юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси ғолиби Беҳзод Аҳмедов спорт устаси талабини бажарганлиги тасдиқланди.

2001 йилда у Белорусиянинг Гомель шаҳрида бўлиб ўтган йирик халқаро мусобақада 69 кг вазнли полвонлар баҳсида иккинчи ўринни эгаллаб қайтганди. Беҳзод бугун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Толиб Назаров ва Ҳаким Накибовлар қўл остида машғулотларга қатнашмоқда.

ШИЖОАТЛИ МУРАББИЙЛАР

Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги 5-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби "Соғ танда — соғлом ақл" деган шиорга амал қилган ҳолда спортнинг оғир атлетика, футбол, камондан ҳамда милтиқдан ўқ отиш ва кикбоксинг турлари бўйича машғулотларга болаларни кенг жалб қилиб келмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган республика очиқ биринчилигида мазкур спорт мактабининг ўқувчилари Сардор Жуманиёзов, Ихтиёр Саркаев, Дилшод Умаров ва Акмал Мусурмонқуловлар ўз вазн тоифаларида фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

М.АҲМЕДОВ

ЎЗБЕК КУРАШИ ЕТМАГАН ЖОЙ ЙЎҚ

Яқинда Шри Ланкада ўзбек кураши бўйича яна бир халқаро турнир бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Қисқа вақт ичида жаҳонни забт этаётган спорт тури аллақачон оммалашиб улгурди. Жаҳонда бу жараён қандай кечаётганлиги ва яқинда Ҳиндистон давлатига бўлган ташрифи ҳақида Халқаро кураш ассоциациясининг раҳбарияти куни кеча ўз қароргоҳида журналистлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Унда журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

— Ҳиндистон миллий Конгресс партияси йўлбошчиси Соня Ганди хоним билан учрашув бўлиб ўтди. Ушбу партия Ҳиндистондаги энг обрўли партия ҳисоблангани боис, бу учрашув Ҳиндистон ижтимоий — сиёсий ҳаётида кучли қизиқиш уйғотди. Учрашувнинг бош мақсади — Ҳиндистон учун янги спорт тури саналмиш курашни тарғибот этиш бўлди. Учрашувда ҳар йили Деҳли шаҳрида Раджив Ганди хотирасига бағишланган анъанавий турнир ўтказишга келишиб олдик. Гандилар сулоласининг энг ёрқин вакили бўлмиш ушбу сиймога бағишланган биринчи турнир 2003 йилнинг март ойида бўлиб ўтади. Шу билан бирга Соня Ганди хоним Халқаро кураш ассоциациясининг Осиёдаги бўлими, Осиё кураш конфедерациясини ўз раҳнамолигига олишини таклиф этди, — дейди Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов.

Дарҳақиқат, Осиё кураш конфедерациясининг президенти Жагдиш Татлер Гандилар авлодининг яқин сафдошларидан бири ва Миллий Конгресс партиясининг етакчиларидан ҳисобланади. Ҳақиқатдан, бу учрашув Ўзбек курашининг жаҳон спорт ареналарида, балки етакчи сиёсий партиялар орасида мавқеи ошиб бораётганини кўрсатади.

Шерзод АҲМАТОВ

QUTLOV

Қадрли Ақида опа!

Сизни 50 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизни коллежимиздаги ажойиб мутахассис ва тажрибали устоз сифатида талабалар қадрлайдилар. Истеъдодингиздан фарзандларимиз бундан буён ҳам баҳраманд бўлаверсин, умрингиз зиёда, толеингиз порлоқ бўлсин.

1-Тошкент педагогика коллежи она тили ва рус тили фан уюшмалари

Ҳурматли Азиз АМИНОВ!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан тумандаги барча ўқитувчи-мураббийлар номидан муборакбод этамиз. Сизга фаровон ҳаёт, илмий ва ижодий ишларингизда каттадан-катта зафарлар тилаб қоламиз.

Сиз бошлаган эзгуликлар куртак ёзаверсин, эл-юрт бахтига доимо соғ-саломат бўлинг!

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани Зебунисо номидаги 236-мактаб томонидан 1991 йили Кушмаков Б.М. номига берилган тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги BN№225642 рақамли гуноҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чойни татиб кўриб, унга баҳо бера оладиган чинакам шинаванда бўлиш, бу бир вақтнинг ўзида ҳам истеъдод, ҳам бир касб. Касб бўлганда ҳам бир қадар зарарлидир.

Бразилияда отларнинг ишлашини тартибга солиш тўғрисидаги кодекс кучга кирди.

КЎНГИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

МУҚАДДИМА

Истиқлол барқ урган онлардир букун,
Ўз эркинг қўлингда, бахт бўлгай тўкин,
Тарихинг абадий, бўлмагай якун,
Ўзини иқболга чоғлаган халқим.

Дунёга танилган асл борлиғинг,
Уммонлардан оша кетган довруғинг,
Жоним юртим, бироз сўйлай тарихинг,
Эзгулик камарин боғлаган халқим.

Авестонг кул бўлди Яксарт бўйида,
Қизларинг қул бўлди манқурт қўлида,
Минг қурбонлар бериб ҳурлик йўлида,
Мозий даҳшатидан сўзлаган халқим.

Ёғий арпа экди шаҳринг шудгорлаб,
Лек кураш тинмади мардларни чорлаб,
Муқанна, Маликлар отин эгарлаб,
Курашда толмасдан тўзмаган халқим.

Ўзимга бекман, деб ўсибсан тикка,
Бирлашайин, дея ялиндинг кўкка,
Яссавий қабрини бермадинг ўққа,
Хоинлик сувида сузмаган халқим.

Савод борми сенда, сўқир, дедилар,
Темур жаҳонгирмас, қонхўр, дедилар,
Шоирмас, қўли қон Бобур дедилар,
Олов қалби сўниб, музлаган халқим,

"Дарёлар бўйида эдик сувга зор"[1] —
Деб куйлаб, тунларни ўтказдинг бедор,
Меҳнат раҳматига туҳматлар қатор,
"Сен, сен!" деганларни Сизлаган халқим.

Кўзларда нам, алам, қалбда озорлар,
Китоблар кўмилиб ёнди мозорлар,
Ўтмишингни булғаб қора ёзарлар,
Ўзгага бахтини юзлаган халқим.

Лаъл гумбазлар мунгли, бормоқда нураб,
Дарёнг ариқ бўлди, оқава сероб,
Қадди майиб еринг, йиғлайди, ёраб,
Денгизин йўқотиб, бўзлаган халқим.

Буюклар зўр талаш, руҳлари ҳайрон,
Бир халқ эдик дебон, қалблари вайрон,
Изтироб зарбидан тўлғониб ҳар ён
Бирлигин йўқотиб, изларган халқим.

Шаҳидлар ҳаққи эй, эшитгил борлиқ,
Халқимнинг бахтидир тўлиқдан тўлиқ,
Уммондай қалбингга қилурман қуллуқ,
Истиқбол қадрини англаган халқим!

1

Ватан тирик истиқлол билан,
Қалбим туяр улкан ғурурни,
Бир лаҳзалик Замин нафаси,
Инсон умрин қоплай олур нақ,
Хаёлим тенг, гапнинг сираси,
Ўн саккиз минг оламга мутлақ.

Минг оламни қамрар ўзига,
Осмонларга боққан нигоҳим,
Оддийгина айтган сўзимга,
Фаришталар тан берар гоҳи.

Энди менга митти юлдузлар,
Аҳволоти асло сир эмас,
Фожиалар ё ваҳший сўзлар,
Руҳиятга ҳеч таъсир этмас.

Инсон ўзи сирли жумбоқдир,
Минг бир сир бор ҳужайрасида.
Инсон, инсон бамисли тугдир,
Шу инсонга айтай қасида!

3

Тунга бўлиб асир,
Сал кам икки аср,
Сен эдинг-ку басир,
Бўғишди минг баттол,
Истиқлол, истиқлол.

Номинг олган тилга,
Айландилар кулга,
Ва ҳуқуқсиз қулга...
Ёраб, бу қандай аҳвол,
Истиқлол, истиқлол?

ВАТАН — ЁНИҚ ЮРАГИМ

(ИСТИҚЛОЛГА ҚАСИДА)

Жуманазар БЕКНАЗАР

Зулматни енгган бахт кулар шуёна
Қаддини ғоз тутар, ёруғ пешона,
Ўзлигинг англадинг! Бахтдан нишона,
Истиқбол юлдузин кўзлаган халқим.

Истиқлол қўлингда, яшнар қуёшинг,
Зафарлар қучавер, етар бардошинг,
Жасур фарзандларинг, мардлар ишбошинг,
Барчани покликка чорлаган халқим.

Шўх янграсин куйлар, бўлмасин куюк,
Алпомиш ўғлонлар барчаси суюк,
Эй халқим! Эй элим! Эртангдир буюк!
Заминда қуёшдай порлаган халқим.

Йирик бўлгай зафарлар чунон,
Ватан қучар машъалдай нурни.

Ватан тирик истиқлол билан,
Ёруғ тийнат, покиза ахлоқ,
Садоқату эътиқод, имон,
Кўнгилларни айлагувчи оқ...

2

Сомон йўли — минглаб юлдузлар,
Галактика — коинотдан кенг,
Ҳар бир юлдуз ўзин кўз-кўзлар,
Ҳар бир юлдуз жаҳонларга тенг.

Ўз еринги гарчи,
Аталдинг босмачи,
Сиёсий ташмачи,
Эдинг ростгўй ҳалол,
Истиқлол, истиқлол.

Зор йиғлади минглар,
Уларни ким тинглар?!
Буйруқ шу: "Отинглар!"
Орзуга бўлдинг тимсол,
Истиқлол, истиқлол...

(Давоми бор.)

[1] *Шўролар даврида мадҳиядан сатр*

Xullas...

ОТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

Ажабланманг. Азал-азалдан одамзотга хизмат қилиб келаётган отлар ҳам химояга муҳтож эканлигини биласиз. Бразилияда отларнинг ишлашини тартибга солиш тўғрисидаги кодекс кучга кирди.

Бунга сабаб нима?

Отлар бажариши мумкин бўлган юмушлар бу мамлакатнинг айрим қишлоқларида анчагина. Ҳаракат эрталабдан кечга қадар. Халқона иборада айтганда, итда тиним бор, отда тиним йўқ. Шу боис жониворларнинг ҳолдан тойиб қолиш ҳоллари кузатила бошланди.

Янги жорий қилинган тартибга кўра, отлар ҳафтасига бир кун, яъни фақат якшанбада дам олишади. Касалланган жониворлар ҳар қандай қишлоқ хўжалик юмушларидан озод қилинади.

Отлар тўғрисидаги қонун, Бразилия ҳукуматининг ҳайвонот дунёсини асраб-авайлашидан, уларнинг умрини узайтиришидан далолат беради, деб хабар берилади Аргентинанинг "Кроника" газетасида.

ТОБУТ ВОСИТАСИДА... ЧЕКИШГА ҚАРШИ

Бухарестлик ашаддий кашандалардан бири Михаил Чеплеуц чекишни ташламоқчи. Ёши бир жойга бориб қолган отахон умр бўйи тутун ичида яшаб, ақли энди кирди.

Хўш, у қандай қилиб чекиш билан "хайрлашмоқчи" экан, эшитиб ҳайрон қоласиз.

Михаилнинг ҳовлисига келтирилган тобут аввалига қўни-қўшниларни ҳайратга солди. Мияси айниб қолган чол тириклай тобутга кирмоқчими, дея бир-бирларига саволомуз қаради улар.

Аммо мақсад бутунлай бошқа. Чекиш хумор қилмайдими, у харид қилган сигареталарини тобут ичига солаверди. Қандай қилиб бўлмасин, иродасини қўлга олиши керак. Қасами бузилса, ҳудо ургани.

Шундай қилиб, тобут пачка-пачка сигареталарга тўлди, бирортаси ҳам очилмаган. Қойил! Михаил эса .. чидаяпти. Аммо бу ҳолат қачонга қадар давом этиши ёлғиз худога аён... Ҳар қалай яхши бўларди, агар кекса кашанда ўз қарорининг уддасидан чиқса.

ЮТИБ ЮБОРИЛГАН ТАҚИНЧОҚЛАР

Ярим тун, кўчалар камқатнов, кўпчилик ширин уйқуда. Кечки сменадан қайтаётган аёл киши, табиийки, уйига эсон-омон етиб олишни ўйлайди.

Кутилмаганда унга ташланган талончилар на қизлар, на йигитлар эканини билиш қийин эди. Мақсад эса сотувчининг тилла буюмларини қўлга киритиш.

Яхшики, ўша атрофдаги милиция пункти ходимлари аёл қўнғироғидан сўнг зудлик билан етиб келишди. Зирак ва занжир ўмаришга ишқибоз ўғри қизлар қаршилик қилишларига қарамай, пунктга олиб кетилди.

Милициядан қутулиш учун қилинган ҳаракат натижа бермади. Чунки аёл ўз кўз ўнгида содир бўлган воқеани оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Тилла тақинчоқлар эса ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди.

Қийин-қистовга олиш "иш" берди. Қизлардан бири тақинчоқларни бир амаллаб, ичига ютиб юборган экан. Ҳар нечук аёл тилла буюмларидан айрилмайдиган бўлди...

ana shunaqa gaplar

МЕЗОН

ТАРОЗИ (ВЕСЫ)
24 сентябрдан 23 октябргача

Munajjimlar bashorati

Унсури — Ҳаво. Ҳомийлари — Хирон, Зуҳро (Венера).

Мезонлар бу ҳаётга уйғунлик, мувозанат, тенглик олиб келишади. Уларнинг бир қарорга келишлари жуда қийин, бунинг учун улар роса тараддуданишади, тарозига солиб кўришади, қайта ўйлаб кўришади, айнаб қолишади, хуллас, ўз муаммоларини бошқаларнинг иштирокида ва ҳамкорлигида ҳал қилишга интилишади. Кишилар билан алоқаларда агар ҳамоҳанглик, уйғунлик бўлмаса, Мезоннинг соғлиғига таъсир этиши мумкин. Умидсизлик, ҳатто бориўйғи ўта кучли тасаввурдан пайдо бўлган кўнгил совиши ҳам руҳ тушишига, руҳсизликка сабаб бўлиши мумкин. Бу эса чуқурлашиб неврозгача бориб етади ёки мезонларнинг энг нозик аъзоси бўлмиш — буйракка шикаст етказиши мумкин. Уйғунликка, тенгликка интилиш мезонлардаги туғма фазилатдир. Шу боис улар ҳаётда барча кишиларнинг феъл-атворлари тенг, уйғун бўлишини исташади. Мезоннинг бу ички талаби вазиятларда — руҳиятда чуқур ҳаяжонли ҳолатлар яратади, ундаги фалаж ҳолатдаги иккиланишга сабаб бўлади. Мезон ҳар қандай баҳс-мунозарада туғма оқловчидир. Гап қайтаришни ёқтирмайди, ҳар қандай ишнинг ҳамма томонини кўриб, тарозига солиб туради. Бирон масалани муҳокама қилганда соатлаб, суҳбатдош ёки рақиб ҳолдан тойгунча ёки таслим бўлгунга қадар мунозарани давом эттириши мумкин. Мезон атрофидаги кишилар уни маъқуллашларини, қўллаб-қувватлашларини, таҳсин айтишларини ғайришуурий истайди. Шу боис бирон иш қилса, воқеликдан келиб чиқиб, ўзи хоҳлаганлиги учун эмас, балки, бошқаларга ёқади, деб ўйлаганлиги учун қилади. Севгида улар назокатли, анчайин майин, силлиқ ва нафис. Шунингдек, уларга туғма хушмуомалалик, ҳаққонийлик туйғуси, босиқ-вазминлик хос. Дидлари нозиклигидан ифлос ишларда ишлашни ёқтиришмайди.

Ижобий фазилатлари: енгил, киришимли, дилкаш, жозибали, гўзал, ораста, дидли, хушмуомала, сабрли, ҳамма нарсада меъёрни топишга қобил.

Салбий хислатлари: бир қарорга келиши қийин, иккиланувчан, ёлғизликка чидамсиз, сершовқин, арзимасга ҳам ҳовлиқадиган, ўта маслаҳатгўй, фавқулодда кайфияти тушиб кўтарилиб туради.

Бурж вакиллари: Ф.Нитше, Лермонтов, Маҳатма Ганди, Нильс Бор, Проспер Мериме, Альфред Нобел, Н.Рерих, Д.Д.Эйзенхауэр.

Баҳорнинг қоқ ўртасида тоғлар, қир-адирлар ям-яшил либосга бурканади. Ана шу яшиллиқдан баҳра олиш учун ёш сайёҳлар маркази Ўқувчилари амалий машғулотларни Ўташга отландилар.

ЧОЙ ШИНАВАНДАЛАРИ

Чойни татиб кўриб, унга баҳо бера оладиган чинакам шинаванда бўлиш, бу бир вақтнинг ўзида ҳам истеъдод, ҳам бир касб. Касб бўлганда ҳам бир қадар зарарлидир. Чой дегустаторлари, яъни уни татиб кўриб, таъми ва ҳидига, умуман сифатига баҳо берадиган кишилар қадимдан уйқусизлик, асабий ўзгаришлар, иштаҳа йўқолиши, оғиз қуриб, юрак оғриб туришидан азобланадилар. Мана шу мақсад учун қадимдан асбоблар яратишга уринишган ва ҳозирда ҳам бу борада изланишмоқда. Лекин ҳеч бир асбоб чой сифатининг ҳамма томонларига ҳозиргача баҳолаб бера олмайди. Бу ишни фақат титестер — чойни татиб кўриб, унга баҳо беришни ўзига касб қилиб олган кишигина уддалаши мумкин. Дегустация иши худди одатдаги чойхўрлик сингари, кўпчилик билан ўтказилади. Лекин шундай бўлса ҳам, бу чойхўрликнинг одатдан ташқари томонлари кўп.

Чой жуда нозик ва ҳамма нарсани ўзига олаверадиган маҳсулотдир. Шу сабабли синов уйига турли ҳиддаги масаллиқ ва нарсаларни олиб кириш таъқиқланади. Инструкция стол ва шкафлар ҳам ҳидсиз ёғочдан тайёрланган бўлишини талаб қилади. Қолаверса, титестернинг ўзи ҳам ўткир ҳидли таомларни ейиши, спиртли ичимликлар ичиши мумкин эмас. У қўлларини ҳидли совун билан ювмайди: фақат болаларга мўлжалланган совундан фойдаланиши мумкин. Эркак титестерлар соч-соқолларини олганларидан кейин атир сепишмайди. Аёллар крем ишлатишдан эҳтиёт бўлишади ва умуман пардоз буюмларидан фойдаланмай яшашга ҳаракат қилишади. Дегустация олдидан иссиқ овқат ейиш қатъиян ман этилади. Чой таъми ва ис-ҳидининг энг нозик томонларини сезиш қобилиятини йўқотиб қўймаслик учун шамоллаб қолиш ва асабийлашиш мумкин эмас.

Дегустация иши шундай бошланади. Пачкадан дорихона тарозисидан аниқ уч граммдан қилиб чой тортиб олинади. Бу намуналарни сиғими 125 миллилитр келадиган цилиндрсимон кичкина чойнакчаларга солиб дамланади (Жаҳон бўйича ягона стандарт).

Сув албатта янги қайнатилган бўлиши керак, чунки узоқ қайнаган сув кислороди камайиб кетган бўлиб, у чой ҳидини бузади.

Чой дам егунча орадан ўтадиган беш дақиқа давомида мутахассислар пачкалардаги чойни кўздан кечириб, текшириб чиқишади. Чой доналарининг ташқи кўринишига қараб унинг териб олинган вақтини бир неча кун аниқлик билан айтиб бериш мумкин. Нави тўғрисидаги гапирмаса ҳам бўлади. Олий навлардаги чой доналари албатта бир хил катталикда, яхши ўралган, майдаланмаган бўлади.

Дамланган чойни охирги томчиси қолгунча дегустация пиёлаларига қуйилади. Лекин бунда чой ҳали жуда қайноқ бўлади. Шунинг учун у совугунча рангининг тўқ-очлигига, тусига, тиниқлигига баҳо берилади. Титестерлар худди заргарлар сингари кундузги ёруғликда ишлайди. Столлар чойга қуёш нури тик тушмайдиган ва юзида шуъла ўйнаб юрмайдиган қилиб қўйилади. Кейинги кўрсаткичи — ҳиди. Чой ис-ҳидининг майинлиги, бекаму кўст ва кучлилиги тўғрисида, чойни қайта ишлаш ва қадоқлаш қандай ўтганлиги ҳақида шунга қараб фикр юритилади.

Ниҳоят, татиб кўрилади — чойнинг нечоғлик ичувчанлиги, ранги тахир эмаслиги аниқланади. Бунда чойни ичмасдан, балки у билан оғиз сал чайқаб кўрилади, холос.

Лекин ана шундай эҳтиётлик билан авайлаб ишлашда ҳам битта титестер томонидан тотиб кўриладиган намуналар сони 130-150 тадан ортмаслиги керак.

Сўнгра дамланган чой барги, шамасининг сифати текширилиб кўрилади. Яхши чой совуганидан кейин унга худди оз-моз сут қўшилгандек «қаймоқ боғлаб» қолади.

Дегустация устидан чиқиб қолган чет киши бирор нарсани тушуниб олгунча қийналади. Синаш ва баҳолаш ишларининг ҳамма томонлари махсус терминлар, атамалар билан айтилади. Бу ерда чойга бериладиган таърифлардан, масалан, мана бундайларини: жонли, думалоқ, етилган деган сўзларни эшитиш мумкин. Бу — дамланган чой тўғрисидаги гаплар. Ҳиди хусусида эса: қўрда пишган, куйган, тутунда димиққан, қуруқ, хашаки, қора мой сифат, буғда пишган ва терлаган дейишади.

(«Чой ҳақида» китобидан олинди).

"КАВСАР" СКАНВОРДИ

— Профессор, мана китобингиз. Мен уни ўқиб чиқдим. Ғоят таъсирландим.

— Шунақами? Саҳифалари қирқилмабди-ку?

— Ўқишга чандон берилиб кетганимдан, уларни қирқишни унутибман.

* * *

Оғир хаста эр нималарнидир қоғозга тушираётган хотинини кўриб, ундан нима ёзаётганини сўради.

Хотини:

— Шунчаки, ўғилларимизга сенинг соғайиб кетаётганинг ҳақида ёзаяпман-да. Айтганча, сенингча "дафн маросими" сўзини ишлатганим маъқулми, "кўмиш маросими" сўзиними?

* * *

Арман радиосига берилган савол:

— Айтингчи, кучук ақллими ёки мушук?

— Албатта, мушук! Ҳеч вақт кўрганмисиз, тундранинг қаҳратон совуғида юк тўла чанани судралиб тортиб бораётган бирон бир мушукни.



Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-330.
Тиражи 28090 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи: Ҳусан НИШОНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00. Топширилди — 20.00